



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОЧИДАГИ ОЛИМПИА УЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 февраль куни Сочи шаҳрида бўлиб ўтаётган XXII қишки Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этади.

СПОРТ —

миллат келажаги, шаън-шавкати

➤ Муносабат

Миллатнинг бахти, келажаги, эл-юртнинг фаровонлиги, шаън-шавкати ҳаётимизнинг давомчилари бўлмиш азиз фарзандларимизга, уларнинг ҳар жиҳатдан комил инсонлар бўлиб улғайишларига боғлиқ. Шу боисдан ҳам, миллий тараққиёт йўлини тутган ҳар бир мамлакат, ҳар бир жамият янги авлод тарбиясини муҳим стратегик вазифа, бош мақсад сифатида ўз олдига қўяди, бундай мақсадга эришиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратлади. Бу йўлда қилинган сарф-харажатлар, шубҳасиз, ўзини оқлайди. Бунга мисоллар кўп.

4 ➤



Ахборот соҳасидаги янги тизим

➤ Назорат-таҳлил

Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий-маърифий қадриятларни сақлашга қаратилган мутлақо янги, замонавий кўринишдаги ахборот-кутубхона тизими яратилди.

Бу борада гап кетганда, аввало, 2011 йилда қабул қилинган "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2 ➤

Позициямиз аниқ, таклифларимиз асосли

➤ Қонун ижодкорлиги

Мамлакатимизда икки палатали парламент тизимига ўтилиши, сиёсий партиялар ролининг кучайиши, пировардида эса, депутатларнинг фаоллиги ва касбий маҳорати ошиши парламентда қонун ижодкорлиги фаолиятининг янада такомиллашувида, сиёсий партиялар фракциялари орасида ўзаро рақобат муҳитининг кучайишида муҳим омил бўлди. Айниқса, охириги йилларда парламент фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинаётган қонунлар, меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишда депутатлар ва фракцияларнинг роли кучайтирилди.

4 ➤

➤ Эл соғлиги — юрт бойлиги



Соғлом авлод тарбиясида

замонавий тиббий хизматнинг ўрни беқиёс

Давлатимиз раҳбари таклифи билан 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши кенг жамоатчилик, халқимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди. Жорий йилда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар юртимизда соғлом авлодни вояга етказиш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг изчил давоми сифатида бор кўлами билан халқимиз манфаатига қаратилгандир.

Бухоро вилоятида ушбу тизимда кенг кўламдаги ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий таълим тизimini такомиллаштириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш борасида салмоқли ютуқларга эришилди. Асосийси, қишлоқ жойларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш, юқори аниқликдаги тезкор таъхис қўйиш ва самарали даволаш

жараёнига замонавий тиббий технологияни олиб кириш, борларини модернизациялашга жиддий эътибор қаратилди, пировардида, мазкур тизим дунё талабларига жавоб берадиган даражада раванқ топди.

Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳудуддаги 57 минг 900 нафар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шифо масканида замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган кўп

тармоқли марказий поликлиника, стоматология поликлиникаси ва шошилинч тиббий ёрдам, жонлантириш, юқумли касалликлар, болалар терапияси, жаррохлик каби бўлимлар фаолият юритмоқда. Уларда 550 дан ортиқ тиббиёт ходими меҳнат қилади.

Суратда: ҳамшира Дилобар Усмонова.

Т.ИСТАТОВ
(ЎзА) олган сурат

АДЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ!..

➤ 9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун



ЙИГИРМА МАВЗУНИНГ БИРИ

Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Ашраф, Абдурахмон Жомий каби ҳамсанавислардан қолган аънамага кўра, Алишер Навоий "Хамса"сидаги беш дostonдан биринчиси бўлмиш "Хайрат ул-аброр" ҳам маънавий-ахлоқий масалаларнинг бадиий талқинига бағишланган.

Адолат мавзуси ана шу маънавий-ахлоқий масалаларнинг энг асосийларидан бири ҳисобланади. Ростига гап, бу асардаги адолат талқини — алоҳида бир тадқиқотга мавзу бўлгулик даражада катта мавзу.

Дoston асосий мағзини 20 та мақолат ташкил этади. Ҳар бирида қуйидагича биттадан муҳим маънавий-ахлоқий масала ўртага қўйлиб, шоирона-донишмандона муҳокама қилинади:

8 ➤

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борадаги ислохотларнинг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Бинобарин, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Ҳуқуқий маданият — ҳуқуқий давлат ва жамият асоси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

— Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси, манфаатлари муҳофазасини таъминлашнинг самарали механизми шакллантирилган, — дейди Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи Алижон Очилов. — Айни пайтда фуқароларнинг бу имкониятлардан самарали фойдаланишини йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган изчил ишлар амалга оширилаётгани на-

тижасида юртдошларимизнинг нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий маданияти ҳам тобора юксалиб бормоқда. Фуқароларимизнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётгани, ҳар бир шахсда фаол фуқаролик позицияси ҳамда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғуси кучайиб бораётгани бунинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Бунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилгани, унинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказишда давлат ва жамоат ташкилотларининг узвий фаолияти йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

2 ➤

Ахборот соҳасидаги янги тизим

Давоми. Боши 1-бетда

Ушбу кунун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ресурсларини шакллантириш ҳамда аҳолига сифатли ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этиш борасида давлат органлари ва ахборот-кутубхона муассасаларининг ваколат ва вазифаларини белгилаб берди, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражага кўтариш, китобхонларнинг илмий, маърифий ва маданий эҳтиёжларини замонавий ахборот технологияларига таянган ҳолда қондириш, жаҳоннинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар билан таъминлаш каби устувор йўналишлар бўйича самарадорликни оширишда катта аҳамият касб этди, албатта.

Пировард натижада, мамлакатимизда барча соҳалар қатори ахборот-кутубхона инфратузилмасини бунёд этиш учун зарур шарт-шароитлар муайян қилинди. Бунга биргина Миллий кутубхона фаолияти ҳам мисол бўла олади. Биринчидан, кутубхона ҳар томонлама кўркам, замонавий қиёфага эга иншоотга жойлаштирилди. У энг сўнгги русумдаги техника ва технологиялар билан жиҳозланди. Жумладан, иш жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган янги тизимни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Буларнинг барчаси юқори даражада сифатли хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Масалан, илгарилари битта китобни топиш учун икки-уч соатлаб вақт кетган бўлса, бугунги кунга келиб, ахборот-коммуникация технологияларининг бунёд

ютуқлари асосида мазкур юмушни санокли дақиқаларда бажариш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан юқорида номи зикр этилган қонун нормаларининг жойларда ижро этилишини мунтазам назорат-таҳлил тартибида ўрганиб келинмоқда ва ўрганиш натижалари қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишларида кенг муҳокама этилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад эса, қонун ижросини таъминлаш ҳамда ахборот-кутубхона соҳасини янада ривож-

эркин фойдаланишини кенгайтириш бўйича режали ва тизимли ишлар олиб борилаётгани аниқланди. Шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида ахборот-кутубхона муассасаларининг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича бир қатор ташкилий-техник чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни вақтда, Қорақалпоғистон Республикасида 854 та ахборот-кутубхона муассасалари фаолият юритмоқда. Адабиётлар фонди эса, 5,3 млн. бирликни, Андижон вилоятида эса 921 та ахборот-кутубхона муассасаларидаги адабиётлар фонди 6,9 млн. бирликни таш-

ташкил этилган.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда ҳар икки ҳудуддаги барча ахборот-кутубхона муассасаларида замонавий технологияларга асосланган янги хизмат тури, яъни электрон ресурслар асосида хизмат кўрсатиш тизими ишга туширилган. Натижада биргина ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги ахборот ресурс марказларидан фойдаланувчилар сони Қорақалпоғистон Республикасида 1,9 млн. нафар, электрон кутубхонадан фойдаланувчилар сони 12,4 минг нафар, Андижон вилоятида эса фойдаланувчилар сони 1,4 млн. нафар, электрон кутубхонадан фойдаланувчилар сони 59,3 минг нафар, фонднинг янги нашрлар билан бойитилиши 51,3 минг нусхани ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг ахборот олишга бўлган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалар бўйича қизиқишлари, талаб ва истаклари қондиришга йўл очиб берди.

Шунингдек, жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш борасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси кўзи оғирлар учун ихтисослашган ахборот-ресурс марказида 55441 нусхада махсус брайлер ва 9908 нусхада аудио китоблар мавжуд.

Назорат-таҳлил жараёнида ҳар иккала ҳудудда қонун ижроси билан боғлиқ камчиликлар ҳам аниқланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, ахборот-кутубхона муассасаларида китобхонларга хизмат кўрсатиш жараёнини тула автоматлаштириш, ахборотни тўплаш, унга ишлов бериш, электрон кутубхоналар ташкил қилиш, таълим муассасаларида ва ҳудудларда китобхонларга масофадан туриб хизмат кўрсатишнинг тезлиги ва сифатини ошириш бўйича ишлар талаб даражасида эмас.

“Адолат” социал-демократик партияси ўз дастурий вазифаларидан ўрин олган инновация туридаги технологияларни ривожлантириш борасида амалий ишларни қўллаб-қувватлайди. Зеро, партиямиз иқтисодиётнинг энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илгор инновацион фикрлашни тарбияладиган таълим тизимида таяниши тарафдори бўлиб келган.

Раъно ГАЙМОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
фракцияси аъзоси



Йигитлар хизматга йўл олди

➤ Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғув пунктида Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мугддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат мугдатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиге бўшатиш тўғрисида”ги қарорига кўра мугддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг дастлабки гуруҳини тантанали кузатиш маросими ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар ва унинг самаралари ҳақида сўз юритилди. Мамла-

катимизнинг ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашга қодир профессионал миллий армиямиз шаклланиб, унинг сафларида хизмат қилиш ёшларимиз учун шон-шараф ишига айлангани таъкидланди.

— Ҳарбий либос кийиш, Ва-

таннимиз олдидаги йигитлик бурчимни бажаришни болалигимдан орзу қиламан, — деди иштирокчи чақирилувчи Зафар Зокиров. — Ўтган йили Иштихон қурилиш ва коммунал хўжалиги коллежини битириб, аввал ҳарбий хизматга бориш, сўнгра олий ҳарбий билим юртига ўқишга киришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Бугун ана шу мақсадим сари илк қадам қўйиб, ҳарбий хизматга йўл олаётганимдан хурсандман. Шу билан бирга, бунинг улкан масъулият эканини ҳам ҳис қилмоқдам. Ҳарбий хизмат давомида, албатта, ишончли оқлаб, Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қиламиз.

Суратла: мугддатли ҳарбий хизматга чақирилувчи Ботирхон Шамиев отаси Нуриддин Пардаев ва онаси Маърифат Пардаева билан.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири,
А.ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Хуқуқий маданият —

хуқуқий давлат ва жамият асоси

Давоми. Боши 1-бетда

2013 йилда мазкур йўналишда 385 мингдан ортиқ хуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг хуқуқий тарғибот ишларини марказлашган ҳолда режалаштириш, ягона тизимга солиш, ҳисоботларини эшитиш ва тегишли тавсиялар бериш юзасидан Адлия вазирлиги ҳузурида Хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тузилгани самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Хуқуқий тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида кенгаш томонидан турли конференция, семинар, давра суҳбатлари ташкил этиш ҳамда бу жараёнда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар қамраб олинган алоҳида қўлланма тайёрланди.

Ёш авлоднинг хуқуқий билимини юксалтиришда хуқуқий адабиётлар муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йиллар давомида бу йўналишда ўн мингдан ортиқ номда дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар яратилди. Хуқуқий тарғибот ишларини кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб бориш мақсадида 15 мингдан ортиқ турдаги плакат ва буклетлар қарийб 128 минг нусхада чоп этилди.

Айни пайтда Идоралараро кенгашнинг 2014 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланиб, ижросига киришилди. Унда аҳолини хуқуқий ахборотлар билан таъминлашда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгиланиб, бу жараёнда оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлан-

тириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Вазирлик томонидан жорий йилда ҳам аҳоли, айниқса, ёшларнинг хуқуқий маданиятини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётди. Бу ҳар бир шахснинг қонунлар асосида қаролатилган хуқуқларидан амалда фойдалана олиши, энг муҳими, хуқуқлари бузилишининг олдини олишда қўл келмоқда. Зотан, хуқуқий билган, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз нуқтаи назарига эга кишини ҳеч ким тўғри йўлдан адаштира олмайди. Ёш авлодни ана шундай руҳда тарбиялаш мақсадида оила, маҳалла ва таълим муассасалари билан фаол ҳамкорлик асосида хуқуқий тарғибот тадбирлари қўлама янада кенгайтирилмоқда.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

Томошабинлик позицияси

➤ Сиёсий ўқиш

Ҳар қандай партиянинг нуфузи, жамиятдаги обрў-эътибори унинг амалий ишлари, салоҳиятли кадрлари билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам сиёсий жиҳатдан етук, ташаббускор кадрлар захирасини яратиш мақсадида жойларда мунтазам равишда сиёсий ўқувлар ташкил этмоқда.

Шундай ўқувлардан бири Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах вилояти кенгаши томонидан Жиззах давлат педагогика институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Сиёсий ўқувда дастлаб, Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил янунлари ва 2014 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган хулосалар хусусида сўз юритилди.

— Президентимиз ўз маърузаларида кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш — биз қўзлаган демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратдилар, — деди Жиззах вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Р.Тўйчиев. — Бу ўринда энг аввало, ўз низо-



мига ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуқтаи назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига эга бўлган сиёсий партиялар назарда тутилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар жараёнида сиёсий партияларга, унинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришда

тутган ролини янада кучайтиришга қаратилаётган бу каби эътибор барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда вакиллик органларидаги депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Маърузачи бугунги демократик янгиланишлар жараёнида партия мақсад ва гоёларини тарғибот этиш, жойларда мавжуд муаммоларга ечим то-

пиш, аҳолининг сиёсий-хуқуқий саводхонлигини, ижтимоий фаоллигини ошириш, депутатлик назоратини йўлга қўйиш орқали одамлар ишончини оқлаш, электоратни ўйлантираётган масалаларни маҳаллий кенгашлар ва доимий комиссиялар орқали сессияларга олиб чиқиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид тақлифлар бериш партия обрўини юксалтиришга хизмат қилиши ҳақида ҳам гапириб ўтди.

— Маълумки, мамлакатимизда “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларини ташкил этиш тартиби ва фаолиятини тугатиш шартлари, шунингдек, сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимо-

ий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги роли ва ўрни етарли даражада белгилаб берилди. Бундан ташқари, ушбу қонун партия депутатлик гуруҳларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифалар ижросини таъминлашдаги ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз фаолиятларини бажаришдаги масъулиятини янада оширилишига хизмат қилмоқда. Чунки қонуннинг асосий мақсади маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва таъминлаштиришдан иборатдир, — деди Жиззах давлат педагогика институти проректори А.Пардаев. — Бироқ партиямиздан сайланган депутатларимиз ҳар доим ҳам берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан етарли фойдалана олмаётганлар. Демак, олдимизда томошабинлик позициясидан ўз ваколатимизга нисбатан масъ-

улият билан ёндошиш, фидоқилишдаги роли ва ўрни етарли даражада белгилаб берилди. Бундан ташқари, ушбу қонун партия депутатлик гуруҳларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифалар ижросини таъминлашдаги ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз фаолиятларини бажаришдаги масъулиятини янада оширилишига хизмат қилмоқда. Чунки қонуннинг асосий мақсади маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва таъминлаштиришдан иборатдир, — деди Жиззах давлат педагогика институти проректори А.Пардаев. — Бироқ партиямиздан сайланган депутатларимиз ҳар доим ҳам берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан етарли фойдалана олмаётганлар. Демак, олдимизда томошабинлик позициясидан ўз ваколатимизга нисбатан масъ-

улият билан ёндошиш, фидоқилишдаги роли ва ўрни етарли даражада белгилаб берилди. Бундан ташқари, ушбу қонун партия депутатлик гуруҳларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифалар ижросини таъминлашдаги ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз фаолиятларини бажаришдаги масъулиятини янада оширилишига хизмат қилмоқда. Чунки қонуннинг асосий мақсади маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва таъминлаштиришдан иборатдир, — деди Жиззах давлат педагогика институти проректори А.Пардаев. — Бироқ партиямиздан сайланган депутатларимиз ҳар доим ҳам берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан етарли фойдалана олмаётганлар. Демак, олдимизда томошабинлик позициясидан ўз ваколатимизга нисбатан масъ-

Улугбек ЗУФТАРОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Жиззах вилояти кенгаши
матбуот котиби

Раҳбарлик энг аввало, масъулият ва ишонч

Нуктаи назар

Ҳаёт муттасил ўзгариб бормоқда. Бу жараён одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзига ўз таъсирини ўтказаётган. Эллик йилда эл янги бўлар, деган гап бор. Истиқлол йилларида эл ҳам, мамлакат ҳам, одамларнинг ҳаёти ҳам янги бўлди десак, муболаға бўлмайди. Бугун одамлар, айниқса, ёшлар дунёда, минтақада, мустақил мамлакатимизда кечаётган жараёнларга бефарқ эмаслар, бундан-га муҳими, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, Ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги учун масъулиятни ҳис этиш, ташаббускор ва фаол бўлиш улар қалбини банд этган.



Зулфия ИСЛОМБЕКОВА,
Ўзбекистон "Адолот" СДП
Фарғона вилояти кенгаши
раисининг биринчи ўринбосари

Мустақиллик йилларида амалга оширилган муҳим ислохотлардан бири, шубҳасиз, бошқарув тизимининг янгила-ниши бўлди. Давлатимиз раҳ-бари Ислон Каримов томони-дан ўртага қўйилган дастлаб-ки вазибалардан бири — кадр-лар тайёрлашнинг янги тизи-мини яратиш, имони бутун, эътиқоди мустаҳкам, ўз соҳа-сининг билимдони, раҳбарлик, бошқарувчилик қобилиятига эга кишиларни жой-жойига қўйиш, масъул лавозимларга тайинлаш, улардаги ғайрат-шижоатни, мустақил фикр юритиш, мураккаб вазиятлар-да ҳам тўғри ва оқилона қарор қабул қилиш фазилатларини қўллаб-қувватлаш бўлди.

Чунки бугунги шароитда раҳбар ёки етакчини бундай фазилатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай кишилар-дан, қайси соҳада фаолият юритмасин, билдирилган ишончга муносиб бўлиш, раҳ-бар сифатида маънавий ва ахлоқий жиҳатдан жамоага ўрнак бўла олиш, иш фаолиятида сўз ва амал уйғунлигига эришиш талаб этилади. Раҳбар, шу-нингдек, юзага келиши мум-кин бўлган муаммоларни сези-ши, уларни бартараф этиш учун олдиндан чора-тадбирлар белгиллаш, жамоа аъзоларига тўғри кўрсатма ва йўналишлар бериши, яъни бошқарувнинг

илмий ва амалий асосларини чуқур эгаллаган бўлиши лозим.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-нинг 21 йиллигига бағишлан-ган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам раҳбарлик, айниқса, партия етакчисининг салоҳияти ҳусусида яна бир бор тўхталганлари беҳиж эмас, деб ўйлайман. Тан олиш керак, бугун ҳаммамиз ҳам партиямиз ва тарафдорлари-миз нимани хоҳлашини аниқ тасаввур етолмаямиз, тараф-дорларимиз манфаатини етар-ли ҳимоя қила олмаёғамиз, кўп ҳолларда томошабин ва куза-тувчи бўлиб қолаёғамиз. Фар-ғона вилояти мисолида айта-диган бўлсам, бугунги кунда халқ депутатлари Фарғона ви-лоят, шаҳар ва туман кенгаш-ларида 52 нафар депутатлари-миз фаолият кўрсатаёпти. Бироқ барча депутатларимиз ҳам эл-юрт ташвиши билан яшашпти, халқ дарди билан иш юритаёпти, масъулиятни ҳис қилаёпти, дея олмайман. Бир-гина 2013 йил мубайнида ма-ҳаллий кенгашлардаги депу-татлик гуруҳларимиз томони-дан худудий ижтимоий-иқтисо-дий ривожлантириш дастурла-ри учун атиги 3-4 та таклиф киритилгани ёки кўпчилик ҳо-кимиятлар томонидан сессия-ларга киритилган таклифлар-ни қўллаб-қувватлаш билан че-

гараланиб қолинаётгани, қабул қилинган қарорлар устидан депутатлик назоратининг су-стлиги ишимизни қайта кўриб чиқишга ундамоқда. Ваҳолан-ки, вилоят ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида ҳал этилиши, партиявий эъти-бор кучайтирилиши лозим бўлган муаммолар оз эмас. Айниқса, партиямиз сайловол-ди дастурида қонун устувор-лигига эришиш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишдаги партия иш-тирокини янада кучайтириш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш, электрон ҳукуматни шакллантириш, ма-ҳаллий дастурлар ижроси у-стидан жамоатчилик назорати-ни ўрнатиш, таълим муасса-саларини таъмонлаган ёш му-тахассислар ҳақида ғамхўрлик қилиш каби вазифалар юклан-ган. Аммо бу борада халқ де-путатлари маҳаллий кенгашла-ридаги депутатлик гуруҳлари-мизнинг ташаббускорлиги ўта муҳим бўлди.

Шу боис Президи-дентимизнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилин-ганлигининг 21 йиллигига ба-ғишланган тадбирдаги маъру-засидан келиб чиқадиган ҳу-лосаларга бағишланган Ўзбе-кистон «Адолот» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва парламентдаги фракциясининг кўшма мажлисида партиялар-

нинг таянч нукталари ҳисоб-ланган бошланғич партия таш-килотларидан то парламентда-ги фракция фаолиятигача бўлган тизимни янада мустаҳ-камлашга қаратилган хатти-ҳаракатларни кучайтиришга йўналтирилган қарорларнинг қабул қилиниши ўринли бўлди, деб ўйлайман.

Албатта, барча бўғинларда-ги партия тузилмалари ишини қайта кўриб чиқиш вақти кел-ди. Айниқса, жойларда фука-ролар ва сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувлари-миз, семинар ва ўқувларимиз таъсирчанлиги ва самарадор-лигини оширишимиз даркор.

Ваҳоланки, ҳозирги кундаги қуруқ ваъзхонлик ва маъруза-бозликдан иборат, партиямиз-нинг платформаси, дастурий мақсадлари акс этмаган тад-бирларимиз қутилган самара-ни бермаяпти. Ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, олдинга қўйилган стратегик вазифалар-ни ҳал этиш, унинг одамларга манфаат келтиришига эришиш сиёсий партияларга ва барча даражадаги депутатлик гуруҳ-ларининг ташаббускорлиги, дунёқараши, билими, ақл-зако-ватига боғлиқ бўлиб қолмоқ-да. Шу маънода жойлардаги партия етакчилари ўзини сай-лаган, унга ишонч билдирган одамлар назарида обрўли бўлиши, бошқаларга нисбатан билимлироқ, узоқни кўра ола-диган, эл-юрт дардини чуқур-роқ тушунадиган, азму қарори қатъий, курашчи бўлиши керак.

Фарғона вилоятида «Адо-лат» социал-демократик пар-тияси аъзолари сони 12 минг нафарга яқин, уларнинг 5600 нафари 30 ёшгача бўлган йи-гит-қизлардир. Уларнинг акса-рияти мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга қатъий бел боғлаган турли касб эгалари, ёш мута-хассислар бўлиб, партиянинг бошланғич ташкилотлари етак-чилари улар томонидан бил-дирилаётган таклиф ва ташаб-бусларга алоҳида эътибор бе-риши, энг муҳимларини қўл-лаб-қувватлаш, танқидий му-лоҳазаларини диққат билан эшитиши, турли ҳаётий эҳти-

ёжларини қондириш учун те-гишли чора-тадбирлар белги-лаши зарур.

Ҳар қайси сиёсий партия, жумладан, Ўзбекистон «Адо-лат» СДП ҳам ўз тарафдор-лари манфаатини ҳимоя қила олиши, одамларни ортидан эргаштириши, тараққиёт йўлида гов бўлиб турган му-аммолар ечими бўйича ўзи-нинг муқобил таклифларини илгари сура олиши, мамла-катимизда олиб борилаётган сиёсатни одамлар онгига ет-казиши, уларни белгилаб олинган тараққиёт йўлидан бошлаши, улугвор ишларга даъват этиши асосий мақсад бўлиб қолиши керак.

Бизнингча, партия фаолия-тида кадрлар захирасини шакллантириш масалаларига эътиборни кучайтиришимиз керак. Маълумки, мамлакатни янгилаш жараёнида кадрлар тайёрлаш масаласи асосий ўринни эгаллайди. Кадрлар тайёрлашнинг муқаммал тизи-мисиз ҳеч бир сиёсий партия ўзининг дастурий мақсадлари-ни ҳаётга татбиқ эта олмайди. Аҳолини ўнлаш учун, аввало, кадрлар соҳасидаги сиёсатни, айниқса, жойларда кадрлар танлашнинг усул ва услубла-рини қайта кўриб чиқиш, ян-гича фикрлайдиган, фаол, юксак эътиқодли маслакдошлар-ни партия фаолиятига жалб этиш, ёш кадрларни тарбия-лаш ишини тизимли равишда олиб бориш зарур.

Бундан англашиладики, раҳбарлик юқори мартабали лавозим эмас, эл-юрт олди-даги масъулиятдир. Раҳбар-нинг фаолияти, иш услуби, ташкилотчилиги, етакчилик маҳорати, шунингдек, шах-сий ҳаёти, инсоний фазилат-лари, муомала маданияти ва ҳуқуқий одамлар кўз ўнгис-да кечади. Унинг маҳорати одамларни тинглай билиши, танқиди қабул қилиши, журъ-атли, ташаббускор ҳодимлар-ни қўллаб-қувватлаш ва рағ-батлантириши, айна чоғда, ишбўқмас, турли ҳолатларда турланадиган лаганбардорлар таъсирига тушиб қолмаслиги-да кўринади.

Раҳбар жамоа аъзоларининг шахсий қобилияти, назарий би-лими, ҳаётий тажрибаси, талаб ва эҳтиёжи, оилавий шароити-ни ҳам ҳисобга олиши, ўзаро муносабатларда тақаббурлик қилмаслиги, айниқса, ишга янги келган ёш ходимларга елкадош бўлиши талаб этилади. Раҳбар ёки етакчининг бундай фазила-ти жамоада ўзаро ишонч, ҳур-нинг муқобил таклифларини илгари сура олиши, меҳ-нат унумдорлигига, ташаббус-корлик ва фидойиликка ижобий таъсир кўрсатади. Бундай му-ҳит бор жойда, шубҳасиз, му-ваффақият ҳам бўлади.

Ҳаётнинг шиддати шундай-ки, ҳар қандай тажрибали раҳ-бар ҳам ўз билими, тажриба ва маҳоратини муттасил оши-риб бориши, ўзига нисбатан бошқаларнинг ишончини қозо-нишга ва бу ишончни суи-стеъмол қилмасликка ҳаракат қилиши талаб этилади.

Мустақиллик йилларининг ҳар бири миллий тараққиёт-ни сўлономасига ўзининг сал-моқли улушини қўшди. Кейин-ги йигирма уч йилда ижтимо-ий-сиёсий, иқтисодий ва ма-даний-маърифий соҳаларда эришган ютуқларимиз, Ўзбе-кистоннинг бугунги умумий салоҳияти, дунё ҳамжамияти-даги ўрни шундан далолат бе-радики, мамлакатимизда де-мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жара-ёни ҳеч қачон ортга қайтмай-диган, қатъий ва изчил тус ол-ган заруратга айланди. Одам-ларнинг ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошди, онг-тафаккури юксалди, мам-лакатимизда янгилаш дунёқа-рашга эга, мустақил фикрлай-диган, замонавий билимларни чуқур эгаллаган иқтидорли, та-шаббускор, эл-юрт равнақи йўлида фидоқорона меҳнат қилишга тайёр, истиқлол ғояларига садоқатли ёш авлод вояга етди. Бундай ёшлар би-лан ҳар қандай муаммони ҳал қилса, ҳар қандай маррани эгалласа бўлади. Улар ораси-дан янги раҳбарлар, ишбоши-лар, етакчилар етишиб чиқи-ши шубҳасиз.

Иновация

Наманган му-ҳандислик-техно-логия институ-тида янги инно-вацион лойиҳа асосида яратил-ган қурилма си-новдан муваффа-қиятли ўтди.

Қулай ва тежамкор қурилма

Институтнинг технология машина ва жиҳозлар кафе-драси олимлари яратган янги қурилма қуёш коллектори ёрдамида ҳосил қилинадиган энергия ёрдамида ишлайди. Тежамкорлиги ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сезиларли даражада камайти-риши билан амалда фойдала-нилаётган технологиялардан фарқ қилади.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инно-вацион лойиҳалар ва техноло-гияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатланти-риш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион ҳамкор-ликнинг самарали механизми йўлга қўйилмоқда, — дейди институтнинг илмий ишлар бўйича проректори, профес-сор Рустамжон Муродов. — Олимларимиз томонидан яратилган янги қурилма ҳам ана шу ҳамкорлик самараси-дир. Унинг амалиётга татбиқ этилиши пахта хомашёсини қуришти учун сарфланадиган иссиқлик қувватини икки ярим, электр энергияси сарфини қирқ фоизга камай-тиради. Шунингдек, қуришти жараёни унча юқори бўлмаган ҳароратда амалга оширилиши натижасида толанинг шикаст-ланиш даражаси амалдаги 25 фоиздан 8-9 фоизга тушади. Мазкур инновацион лойиҳа ўртача қувватдаги пахтани қайта яшаш корхонасига бир йилда 70-80 миллион сўм маблағни иқтисод қилиш имконини беради.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА муҳбири

Ютуқлар ўзимизники, камчиликлардан тўғри хулоса чиқаришимиз зарур

Депутатлик гуруҳи

Ўзбекистон «Адолот» СДП Тошкент вилояти кенгаши депутатларининг 2013 йилдаги фаолияти ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг сессияларида ҳудудлар-ни ижтимоий-иқтисодий ривожланти-риш, қонунлар, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш масалала-ри атрофида муҳокама қилинмоқда. Ма-ҳаллий кенгашлар депутатларининг ви-лоят, туман (шаҳар) партия кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлиги мустақамланиб бораётганлиги амалга оширилаётган иш-лар салмоғига кўзга ташланмоқда.



Ўзбекистон «Адолот» СДП маркази ва ма-ҳаллий органлари-нинг ишини фаоллаштириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастур-ларини амалга оширишда де-путатлик гуруҳларининг роли-ни кучайтириш, шунингдек, со-циал-демократиянинг халқчил ғояларига аҳоли ишончини ошириш ва партиянинг жами-ятдаги давлатни мустақамла-лашга қаратилган 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳара-кат дастури бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаёт-ганини алоҳида таъкидламоқ-чиман. Хусусан, дастурда халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатларининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оши-риш, уларнинг депутатлик сўрови ва жамоатчилик назо-ратини кучайтиришга қаратил-ган ҳуқуқларидан фойдаланиш

тажрибасини кенгайтириш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда атрофда ке-чаётган воқеа-ҳодисаларга нис-батан дахлдорлик ҳиссини куч-айтириш вазифалари белги-ланган эди.

Ўтган йили депутатларнинг сиёсий билимларини янада ошириш мақсадида сенатор-лар, депутатлар, мутахассис-лар, олимлар ва амалиётчилар иштирокида мунтазам семи-нар-тренинглар ташкил этилди. Уларда «Мамлакатимизда де-мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ижросини таъ-минлаш мақсадида қабул қилинган қонунларнинг мазму-моҳияти ва уларни тарғиб этишда халқ депутатлари ма-ҳаллий кенгашлари депутатла-рининг роли», «Халқ депутат-лари маҳаллий кенгашларида-

ги доимий комиссияларнинг фаолияти мониторинги натижа-лари тўғрисида», «Депутатлар-нинг нодавлат нотижорат таш-килотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлигини фаоллаш-тириш тўғрисида» ва бошқа қатор масалалар юзасидан маърузалар ўқилди ва амалий машғулотлар олиб борилди.

2013 йилда қўлга киритган энг муҳим ютуқларимиздан бири бу, албатта, дастурий мақсад-вазифаларимиздан ке-либ чиқиб, маҳаллий кенгаш сессияларида қатор масалалар-ни қиритишга муваффақ бўл-ганимиздир. Хусусан, бевоқиф депутатлик гуруҳимиз ташаббус-и билан ўтган йилда халқ де-путатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессияларида «Муқо-бил энергия манбаларидан фойдаланиш йўли билан ат-роф-муҳитни ортиқча ифлосла-

нишдан муҳофаза қилиш тўғри-сида»ги, «Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожланти-риш ва сифатли хизмат кўрсат-иш тизимини янада кучайти-риш тўғрисида»ги, «Олмалик шаҳар, Охангарон, Ўртачирчиқ ва Куйичирчиқ туманларида аҳолига пластик карточкалар орқали пуллик хизмат кўрса-тишининг мониторинги тўғриси-да»ги ҳамда «Тошкент вилоя-тида қўл қаватли турар-жойлар ўртасида аънавий кўрик-тан-ловни ўтказиш тўғрисида»ги масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қили-нишига эришди. Айни пайтда мазкур қарорлар ижроси усти-дан назорат ишлари йўлга қўйилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз-ки, вилоят депутатлик гуруҳи-миз партия етакчилиги манфа-атлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган ташаббусларни ҳам

илгари суришди. Хусусан,

Охангарон туманидаги «Мурув-ват уйи»да каттагина боғ яра-тилгани, бу ишга депутатлик гуруҳимиз аъзоларининг ўзла-ри бош-қош бўлгани, тез-тез хабар олиб, моддий, маънавий ёрдам бериб туришларини таъ-кидлаш ўринли. Шунингдек, Ан-гренининг энг чекка кишлоқла-ридан бири — Лашкаракда аҳолига қўлайлик яратиш мақ-садида «Соғломлаштириш мар-кази» қурилиши бошланди.

Бундан ташқари, халқ депу-татлари Тошкент вилояти Кен-гашидаги «Адолот» СДП депу-татлик гуруҳи томонидан 2013 йилда ўндан зиёд назорат-тах-лил тадбири ўтказилиб, муҳо-кама этилган масалалар юза-сидан тегишли ташкилотлар-нинг мансабдор шахслари ҳисоботлари эшитилди.

Мазкур тадбирларда асосий эътибор ижро ҳоқимияти раҳ-барлари масъул бўлган соҳа-ларда қонунларнинг қандай ба-жарилаётгани, аҳолининг, ай-ниқса, коллежлар битирувчилар-нинг бандлигини таъминлаш, коммунал хизматлар, соғлиқни сақлаш ва таълим йўналиши-даги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, оилавий тад-биркорлиқни ривожлантириш масалаларига қаратилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, турли кор-хона ва ташкилотлар мутасад-диларига 30 га яқин сўровлар юборилиб, уларга асослан-тирилган тушунтиришлар олинди. 18 та сўров якуни депутатлик гуруҳи йиғилишида кўриб чи-қиш, мазкур масалаларнинг аниқ йўналишлари бўйича ама-лий таклиф ва тавсиялар иш-лаб чиқилди.

Қонунлар ва қарорлар ижро-си юзасидан депутатлик назо-рати ўрнатиш борасида ҳам депутатларимиз ўз зиммалари-даги вазифаларга масъулият билан ёндашиб келмоқдалар.

Депутатларимизнинг ўтган йили сайловчилар билан ўтказ-ган 100 дан ортиқ учрашувлар-ида сайловчиларга юртимиз-да олиб борилаётган ислохот-ларнинг изчиллиги, парламен-тада ва маҳаллий кенгашларда қабул қилинаётган қонунлар ҳамда қарорлар моҳияти, «Адо-лат» СДП дастурий ғоялари юзасидан тушунтиришлар бе-рилди.

Айтиш жоизки, жойларда де-путатлик қабулхоналари мун-тазам фаолият юритмоқда. 2013 йилда сайловчилардан вилоят кенгашидаги депутатла-римиз қабулига 50 дан ортиқ туман, шаҳар кенгашлари де-путатлари номига 120 га яқин ёзма ва оғзаки мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг юзга яқини ўзининг ижобий ечимини топди. Мурожаатларнинг 30 га яқини мутасадди ташкилот-ларга депутатлик сўрови шак-лида тақдим этилди.

Умуман олганда, 2013 йил-да халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар кен-гашларидаги Ўзбекистон «Адо-лат» СДП депутатлик гуруҳла-ри фаолиятида партия Ўстаи ва Сайловолди платформаси-да белгилаб олинган вазифа-лар ижросининг самарали усулларини ифода этиш, элек-торат манфаатини рўёбга чи-қариш ва сессиялар кун тар-тибига долзарб масалаларни қиритиш амалиётидан изчил фойдаланилди. Амалга ошир-ган ишларимиз самараси

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолот» СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

Позициямиз аниқ, таклифларимиз асосли

Давоми. Боши 1-бетда

Айниқса, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»-ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини кенгайтириб, уларга қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш босқичидаёқ ўз сиёсий партияларининг дастурий мақсадлари, электротат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг аниқ нуктаи назарини билдириш, қонун лойиҳасининг у ёки бу қоидаларига доир позициясини ҳимоя қилиш имкониятини яратди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари ҳам миллий қонунчилигимизда белгиланган ушбу имтиёزلардан унумли фойдаланган ҳолда айни кунларда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларига нисбатан партия позициясидан келиб чиқиб, аниқ ва асосланган таклифларни бермоқдалар.

Хусусан, яқинда Қонунчилик палатасидаги фракциялар муҳокамасига биринчи ўқишда ҳавола этилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»-ги қонунига, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига ҳам барча сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлик биллашмаси ўз дастурий мақсадлари нуктаи назардан таклифлар беришмоқда.

Бевосита ушбу қонун лойиҳасининг зарурати ҳусусида тўғраладиган бўлса, ҳужжалик юритувчи субъектлар банкротлигининг айрим масалаларини ўрганиш таҳлили шуни кўрсатдики, кейинги йилларда банкрот ташкилотларнинг кредиторлик қарзларини тўлаш паст даражада, аксарият ҳужжалик юритувчи субъектларда банкротлик тартиб таъминлаш механизми амалга ошириш пайтида бирор-бир мол-мулкнинг йўқлиги, бу эса уларнинг бюджет олдидagi қарзлари ҳисобдан чиқарилишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, банкротлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда амалиётда мавжуд бўлган муаммоларни, яъни амалдаги қонунчилигимиздаги айрим бўлиқларнинг ҳам аниқланишига олиб келди.

Бизга маълумки, банкротлик тартиб таъминлаш амалга ошириш пайтида банкрот ташкилотнинг мол-мулки бўлмаса, тугатишга доир иш юретишда банкрот ташкилотнинг қарзлари ҳисобдан чиқарилади.

Таҳлилда келтирилган маълумотларга кўра, 2009-2012



Ойша ОХУНОВА,
Ўзбекистон «Адолот» СДП
фракция аъзоси

йиллар давомида 2,8 трлн. сўм миқдордаги қарзлар ҳисобдан чиқарилган, шундан 2,3 трлн. сўм бюджет олдидagi қарзларни ташкил этар экан.

Масалан, 2012 йилда банкротлиги эълон қилинган 2399 та корхонанинг 1861 тасида мол-мулки умуман мавжуд бўлмаган. Натижада суд мазкур ташкилотлардан бюджет олдидagi ҳамда бошқа кредиторлар олдидagi қарзларини ҳисобдан чиқарган. Шунингдек, 2014 йил 1 январь ҳолатига давлат реестридан чиқариб юборилган ҳужжалик юритувчи субъектларнинг биргина бюджет олдидagi кредиторлик қарздорлиги 1,2 трлн. сўмни ташкил этган.

Таъкидлаш лозимки, маълум даражада банкротлик соҳасида юзага келган вазиятнинг асосий сабабларидан бири — ҳужжалик юритувчи субъектлар томонидан корхонани қасддан банкротликка олиб келганлик учун жавобгарлиқни назарда тутувчи нормалар ҳозирда мавжуд эмаслигидир. Бу ҳолат айрим шахсларга кредиторлик қарзини, шу жумладан, бюджетга тўловлар бўйича қарзни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида ҳужжалик юритувчи субъектларни қасддан банкротлик ҳолатига олиб келиш учун имкон яратмоқда.

Лойиҳага кўра «Банкротлик тўғрисида»-ги қонуннинг 19 ва 36-моддаларига қасддан банкротликка олиб келиш ҳолатларини аниқлаш механизмининг белгиланганлиги ўзгариш ва қўшимчалар киритилаётганлиги, шунингдек, қасддан банкротликка олиб келганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланаётганлиги айнан банкротлик соҳасидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, шубҳа йўқки, банкротлик механизмларини янада такомиллаштириш, қасддан банкротликка олиб келиш ҳолатларини аниқлаш бўйича ҳуқуқий чораларни яратиш, кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, ҳужжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбу-

зарликларнинг олдини олиш имкониятини беради.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз сайловолди дастурида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттиришда фаол кўмаклашишни мақсад қилиб қўйган. Шу нуктаи назардан ярашув институтининг жорий этилиши ва янада кенгайтирилиши суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантикий давоми ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаги муҳокамасида фракциямиз масалага атрофлича ёндашди. Муҳокамаларда қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Қонун лойиҳасига кўра, Жиноят кодекси 181-модда билан тўлдирилмоқда. Қасддан банкротликка олиб келган ҳужжалик юритувчи субъектларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Фракциямиз аъзоларининг фикрича, мазкур моддада белгиланган жиноий таркибга нисбатан ҳам ярашув институтини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ярашув институти моҳиятига кўра, ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс ўз айбига иқдор бўлганда, шунингдек, жабрланувчи ярашмишда ихтиёрий равишда иштирок этишни истаса, жабрланувчи қўрган зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилади. Шулардан келиб чиқилса, қасддан банкротликка олиб келиш жиноятини содир этганларга нисбатан ярашув институтининг қўлланиши биринчи навбатда кредиторлик ҳимоясини кучайтиради.

Масалага, адолат, нуктаи назаридан қарасак, ярашув институтининг мазкур жиноий таркибга нисбатан қўлланиши, биринчидан, қасддан банкротликка олиб келинган ҳужжалик юритувчи субъектнинг нафақат бюджет олдидagi қарзини ўз вақтида қоплаш, балки бошқа кредиторлар олдидagi қарзини ҳам узиш имкониятини беради.

Иккинчидан, оддий қилиб айтганда, ҳужжалик юритувчи субъектнинг қасддан банкротликка олиб келган тадбиркор ёки юридик шахслар билан шартномавий муносабатларда бўлган бошқа кредиторларда ҳам тўлов қобилиятсизлиги келиб чиқишининг олди олинадди. Шунда барча кредиторларнинг манфаатларини ҳимояладиган, деган фикрдамиз.

Албатта, олдидан қонун лойиҳасини иккинчи ва учинчи ўқишларда тайёрлаш жараёни бор. Ўйлашимизки, бу жараён давомида юқорида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни масъул қўмитадаги ишчи гуруҳи ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил этади, қонун лойиҳасини кейинги ўқишга тайёрлашда эътиборга оладилар.

Сиз қонунни биласизми?

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти, партиянинг Термиз туман кенгаши ҳамда «Қамолот» ЕИХ туман кенгаши ҳамкорлигида ўрта махсус касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» деб номланган кўрик-танлов ташкил этилди.

Мазкур ҳуқуқий саводхонлик тадбиридан кўзланган мақсад ёшларга амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда уларнинг иштирокини таъминлаш, ёшларда қонунларга ҳурмат туйғусини янада кучайтириш ва уларни келажака ким шонли, она Ватанга муҳаббат, миллий истисол қўяларига садоқат руҳида қамол топтириш, қонунларни тарғиб қилиш орқали вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилди.

Термиз туманидаги Туризм ва меҳмонхона ҳўжалиги, Янгиерик қишлоқ-ҳўжалиги, Халқабод педагогика ҳамда Ўй-жой қурилиш касб-ҳунар коллежлари ўқув-

чилари ўртасида бўлиб ўтган кўрик-танловда иштирокчилар тўртта шарт бўйича ўзаро беллашув олиб бордилар. Танловнинг юқори савияда ўтказиш мақсадида ҳуқуқшунослар, партия етакчилари, «Ёш адолатчилар» қаноти фаоллари, «Қамолот» ЕИХ туман кенгаши аъзолари, ўқитувчилар таклиф этилди.

Иштирокчи ёшларнинг белгиланган шартлар бўйича чиқишлари, берилган саволларга ҳозиржавобликлар, Конституция ва қонунлар бўйича саводхонликларни ҳайъат аъзоларига маъқул бўлиш баробарида йиғилганларда ҳам катта таассурот қолдирди.


— Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда эришилган улкан ютуқ ва марра-

лар замирида Конституция берган ҳуқуқий қафолатлар ётгани ҳеч кимга сир эмас. Бош Қомусимиз бераётган бу каби жиҳатларни ўрганиш ва билиш биз ёшлар олдидан турган асосий вазифа ва масъулият ҳисобланади, — деди тадбир ташаббускори, вилоят партия кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти етакчиси Акром Болтаев.

Мухтасар айтганда мазкур тадбир нафақат ёшларимиз, балки танловда томошабин сифатида иштирок этган ҳар бир киши учун Конституциямиз — ҳуқуқ ва эркинлигимиз, бахтли келажагимиз яратувчиси экани ва уни ўрганиш, унга амал қилиш фуқаролик бурчимиз эканлигини яна бир қарра эс-латди.

Кўрик-танлов якунларига кўра қўлиблар ва энг яхши иштирокчилар «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан муносиб тақдирландилар.

Райхон ЖУМАЕВА,
Ўзбекистон «Адолот» СДП
Сурхондарё вилояти кенгаши
матбуот қотиби



СПОРТ

Давоми. Боши 1-бетда

Истиклолимизнинг дастлабки қадамларидан бошлаб бу эзгу мақсад, яъни, янги дунёларга эга бўлган баркамол авлод тарбияси мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Негаки, халқимизнинг эртанги кўни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало, шахсини кўриши зарур. Собик тузум шароитида ёшлар тарбияси, уларнинг руҳий, маънавий ва жисмоний қамолоти эътибордан четда қолди, боз устига, пахта яккахокимлиги сиёсати миллатнинг келажаги бўлиши ёшларнинг бир неча авлодини майиб-мажруҳ қилди, қаддини букиб қўйди. Тақдирини ўз қўлига олган, миллий ўзлигига қайтаётган, жаҳон кенгликларини кўзлаган миллат учун бу хатоларга барҳам бериш, таълим-тарбия соҳасини бутунлай ўзгариштириш зарур эди ва шундай бўлди ҳам.

Миллат қаддини ростлаш мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашдан бошланди. Хусусан, қишлоқ жойларида, маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш, спортнинг кўплаб оммавий турларига мактаб ёшидаги болаларни, айниқса, қизларни кенг жалб қилиш устувор вазифага айланган. Мамлакатимизнинг «Таълим тўғрисида»-ги қонуни, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Бу ҳужжатларда белгиланган кенг қамровли мақсадлар ҳамда Юртбошимизнинг бевосита кўрсатмалари асосида ўсиб келаётган ёш, умидли авлоднинг юксак интеллектуал салоҳияти, замонавий билимларни, компьютер техникасини пухта эгаллаган, мустақил фикрлай оладиган, шу билан бирга, соғлом турмуш тарзига эга, жисмонан бақувват, руҳан соғлом қилиб тарбиялаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар

ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда имзолаган «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»-ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонлари соҳа мутасаддилари учун зарур дастуриламал бўлди.

Мамлакатимизда бир ярим йилдан зиёд болалар спорт объекти фарзандларимиз ихтиёрида. Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланган, уларга қатновчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бугун 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ёш авлод ўртасида спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасида Ўзбекистон спортчилари халқро майдонда катта ютуқларга эришмоқда. Спортчиларимизнинг 2013 йилги спорт мавсумида халқро мусобақаларда 276 олтин, 250 кумуш ва 268 бронза медалига сазовор бўлгани ўзбек йигит-қизлари истисод ва маҳорат бобида дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигининг яна бир амалий ифодасидир. Бу галабалар бевосита болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган сайёҳаракатлар маҳсулидир.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб қилиш зарурлигини, бунинг учун маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллигини ошириш, оилалар билан доимий ишлашни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 8 март — Халқро хотин-қизлар байрами арафасида ўқувчи қизларга спорт кийимлари топширилмоқда. Бу қиз-



Миллат к'елажаги, шаън-шавкати

лар ўртасида спортнинг янада оммалашши, уларнинг соғлом, бақувват ва дуркун бўлиб улғайишида муҳим омил бўлмоқда. Бугун юртимизда 842 минг нафарга яқин қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилаётгани, аёл мураббий ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилаётгани диққатга сазовор.

Ёшлар орасида авваллари у қадар оммалашмаган спорт турларига — сузиш, байдарка ва канозда эшак эшиш, дзюдо, бадий гимнастика, волейбол, футбол, кураш, сувда рақс тушиш, шахмат ва бошқаларга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан қатор йиллардан бери муттасил ўтказиб келинаётган уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари ёшлар, болалар орасидан мамлакатимиз шаън-шавкати, ғурур ва ифтихоримизни оширадиган, мустақил Ўзбекистон номини дунёга танитадиган маҳоратли, эътиқоди мустаҳкам спорт усталарининг етишиб чиқишида ҳамда мустақил ҳаётга кириб келаётган фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлишларида катта аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги фармонида мувофиқ Ватанимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ истисодли ёшлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Оммавий спорт турлари билан шуғулланишдан мақсад мусобақаларда ғолиб бўлишгина эмас, биринчи навбатда, болаларнинг, ўсиб-улғаяётган йигит-қизларнинг, бўлажақ ота ва оналарнинг соғломлиги. Шу маънода ёш қизларга спорт билан шуғулланишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш, бу ишни,

айниқса, қишлоқ жойларида талаб даражасида йўлга қўйиш, янгидан қад ростлаган иншоотларни замонавий техник жиҳозлар, малакали мураббийлар, ўз соҳасининг билимдонлари бўлган аёл устозлар билан таъминлаш, уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Истиклол йилларида мамлакатимизда кенг қанот ёзган «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракати, шу мақсадда тузилган давлат дастуридан қўзланган асосий мақсад ҳам шу. Йиғилишда таъкидланганидек, 2005-2011 йилларда мутлақ соғлом болалар мамлакат бўйича 52,7 фоиздан 62,9 фоизгача ўсган, сурункали касалликларга қалинган болалар сони эса кескин камайган.

Мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади. Келажаги буюк давлат қураётган эканмиз, ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан қамол топиши билан вояга етишлари бизни бу кутлуғ манзилга тобора яқинлаштираверади.

Президентимизнинг Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган ҳулосалар аниқ. Биз сиёсий партиялар вакиллари ҳам белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишимиз, фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш ишига муносиб ҳиссамизни қўишимиз керак.

Шухрат ЖАҲОНОВ,
Ўзбекистон «Адолот» СДП
Тошкент шаҳар, Сергеев туман
кенгаши раиси

МАКТАБ — МАҲАЛЛА — ОИЛА

Андижон вилояти умумтаълим мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган тадбир Андижон туманидаги 7-умумтаълим мактабга ташкил этилди.

Тадбирда ота-оналар, ўқитувчи ва мураббийлар, ички ишлар бўлимлари, профилактика нозирлари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбир доирасида иштирокчилар синф хоналарининг жиҳозланиши, спорт зали, ошхона, умуман, ўқувчилар учун яратилган шароит, фарзанд-

ларининг ўзлаштириш даражаси мониторинги билан яқиндан танишди.

— Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг ривожланган давлатлардаги тенгдошларидан кам бўлмаган замонавий шароитларда таълим-тарбия олиши учун доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда, — дейди

7-умумтаълим мактаби директори Шавкатхон Йўлдошева. — Бизнинг таълим даргоҳимизда ҳам ўтган йили 405 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, энг сўнгги ўқув жиҳозлари, компьютер ва спорт инвентарлари билан таъминланди. Фарзандлари учун яратилган бундай шароитдан ота-оналар, айниқса, мамнун.

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Хотин-қизлар ва ёшлар —

етакчи куч

Тадбир

Қашқадарё вилоят 1-сонли шифохона-си мажлислар залида Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши "Аёллар қаноти"нинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Кайд этилганидек, Ўзбекистонда хотин-қизлар давлат бошқаруви органларидан тортиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этиб келишмоқда.

— Бугун вилоятимизда хотин-қизлар ўзларининг билимлари, профессионал малакалари ва маҳоратлари билан кенг қамровли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб келишмоқда, — деди вилоят партия кенгашининг "Аёллар қаноти" раиси Азима Зайнутдинова. — Воҳада партия аъзоларининг 3500 нафардан зиёдини, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 10 фоизини ва бошланғич партия ташкилотлари раисларининг 100 нафарини аёллар ташкил этмоқда. "Аёллар қаноти" фаоллари вилоятдаги хотин-қизлар ташкилотлари, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун", "Ногирон аёл" жамғармалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу туфайли ҳам маҳаллаларда соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб этиляпти, касаначилик ривожлантирилиб, янги иш ўринлари бунёд этилмоқда. Масалан, "Аёллар қаноти" ташаббуси билан Қарши шаҳридаги "Маҳаллот", "Кунчикар", Шаҳрисабз туманидаги "Мираж", "Чоршанбе", Миришкор туманидаги "Миришкор", "Жейнов", Муборак туманидаги "Қурувчилар" маҳаллаларида аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида касаначилик кенг йўлга қўйилган. 100 дан ортиқ хунарманд оилага меҳнат шартномалари тузишга қўмаклашил-

ган. Эндиликда, ана шу маҳаллаларда БПТ фаолияти шакллантирилиб, улар орқали сиёсий мақсад ва вазифаларимиз аҳоли ўртасида кенг тарғиб этилмоқда.

Бироқ, йиғилишда таъкидланганидек, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларнинг давлат қурилишидаги иштирокини кучайтириш, фаоллигини ошириш борасида вилоятнинг ҳамма туманларидаги партия ташкилотлари ҳам бирдек ташаббускорлик кўрсата олмапти. Хусусан, Деҳқонобод, Қамаш, Чироқчи туманларида аёлларни ишга жойлаштириш, улар ўртасида касаначиликни йўлга қўйиш, кичик корхоналар очишда партиянинг иштироки етарли бўлмапти. Бу туманларда улғайиб келаётган қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, тиббиёт масканлари, таълим муассасалари, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталари, ОАВлари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот олиб бориш, фаол, ташаббускор аёлларни аниқлаб, уларни бошқарув ишларига жалб этиш, ижтимоий муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишда катъият этишмаяпти.

Алоҳида қайд этиб ўтилганидек, ўтган уч йил ичида хотин-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимини ошириш, жамиятда ижтимоий адолат тамойилининг устуворлигини таъминлаш масаласи "Аёллар қаноти" фаолларининг диққат марказида бўлди. Жамиятда аёллар, қариялар, ёшлар, ногиронлар, кўп болали оилалар каби аҳоли қатламларига алоҳида эътибор, ғамхўрлик би-



лан муносабатда бўлиб келинди.

Йиғилишда партиянинг Миришкор туман кенгаши раиси Саодат Очилова, Қарши давлат университети ўқитувчиси

Гулчеҳра Содиқова, фаоллар Гулзода Узоқова, Чарос Элибаева ва бошқалар ҳам мунозараларда қатнашиб, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш, фуқаролик жамия-

ти шаклланишига қўмаклашиш, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш ва ислохотларга тўсиқ бўлаётган иллатларга қарши биргаликда курашиш юзасидан қимматли таклиф ва тавсияларини айтиб ўтдилар.

Анжуман сўнгида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва "Адолат" СДПнинг республика хотин-қизлар йиғилишига делегатлар сайланди.

Шу кун "Ёш адолатчилар" қаноти фаолларининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қанот фаолларининг 2010-2013 йиллар давомида олиб борган партиявий-ташқилый ишлари қизғин муҳокама қилиниб, жорий йилдаги иш режалари белгиланганлиги аниқланди.

Комил САХАТОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қашқадарё вилоят кенгаши
матбуот котиби

"Ёш адолатчи"

Юртимизда спорт турлари орасида миллий белбоғли курашимизнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунинг кўлаб мамлакатларида бўлиб ўтаётган белбоғли кураш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтарётган спортчиларимиз сони ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган полвонларимиздан бири, белбоғли кураш бўйича бир неча бор Ўзбекистон, Осиё чемпиони, кўлаб халқаро турнирлар совриндори Элдор Неъматовдир.

Адолат ва ҳалолликни шараф билган ўғлон

Тошкент вилоятининг Пискент туманида туғилган Элдор белбоғли кураш билан ўн икки ёшидан бошлаб шугулланиб келади. У ўз устида тинмай меҳнат қилиб, илк устози, спорт устаси Иброҳим Абдусатторовдан спортнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштирди. Бир неча мартаба республика биринчилиги совриндори, 2009-2013 йилларда кетма-кет республика ва халқаро мусобақаларда ғолиб, жумладан, 2009 йилда Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатидан бронза медали соҳиби, 2012 йилда Остона шаҳрида 82 кг. вазн тоифасида 3-ўрин, 2013 йилнинг 13-15 ноябрь кунлари Россия Федерациясининг Уфа шаҳрида бўлиб ўтган кураш чемпионатида 82 кг. вазн тоифасида кумуш медални қўлга киритди.

"Тошкент давлат" жисмоний тарбия институтининг "Гимнастика ва спорт психологияси" факультетининг 2-босқичида тахсил олаётган қаҳрамонимиз мамлакатимизда ҳар йили кураш бўйича ўтказиладиган очик турнирда иштирок этиб, қатор йиллар давомида юқори шохсупани ҳеч кимга бермай келмоқда. Ҳозирда мураббийи, халқаро тоифадаги спорт устаси Аҳмад Бахромов кўли остида тарбияланаётган ва белбоғли кураш сир-асрорларини мукамал ўзлаштираётган спортчимиз рақибидан устун келиш учун тинмай меҳнат қилишни, ҳалоллик, адолатлик, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, мақсад сари фақат олға интилишни ўрганиб келаётир.

Э.Давронов Мирзо Улугбек туман Белбоғли кураш федерациясида Нуриддин Маҳаммадов, Ғолиб Аҳмедов, Раҳматжон Шомуродов каби тенгқурлари билан мунтазам шугулланади.

Дарвоқе, ёш курашчи Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси ҳамдир.

— Спорт ҳамиша инсон таснини жисмоний чиқинтириш

билан бирга унинг руҳий тегишлиги ҳамда интеллектуал фаоллигини оширишга хизмат қилган, — дейди у. — Ватанимизда биз спортчиларга яратиб берилаётган барча шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланишга ҳаракат қилияман. Бугун фахр билан айтишимиз мумкинки, нафақат спорт соҳасида, балки ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида бошимизни баланд кўтариб юришга арзигulik муваффақиятларга эришмоқдамиз. Мамлакатимизда кечаётган демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида биз спортчилар ҳам фаол иштирок этишимиз керак, деб ўйлайман. Шу нуктага назардан ўзимнинг сиёсий фаоллигимни кўрсатиш мақсадида "Адолат" ҳаётимизнинг бош мезони" дея юксак инсонпарварлик ширини илгари суриб келаётган "Адолат" СДПга аъзо бўлдим. Партия дастури билан танишимизда, ҳаётий қарашларим билан ҳамоханг эканлигини англадим. Келажакда ушбу ширин орға амал қилиб яшашни, адолат ҳаётимнинг бош мезонига айланишини ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Шубҳасиз, спорт соҳасида муваффақиятга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун катта эътибор ва етарли шарт-шароит лозим. Фақат шу орқали ҳар қандай одам ўз кўнглидаги эзгу орзу-ниятлари, мақсадлари рўёбини кўриши мумкин. Ана шундай юксак эътибор туфайли вакилларимиз нуфузли халқаро мусобақалар, Жаҳон ва Осиё чемпионатларида юқори поғоналарни эгаллаб, юртимиз шарафини улуғламакдандир. Бу йўлда уларга янада улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Феруз ЖўРАЕВ,
«Адолат» мухбири



Имкониятларимиз етарли,

шижоат ва ташаббускорлик бўлса бас

БПТ — партия таянчи

Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз дастурида белгиланган гоёларни ҳаётга татбиқ этишда ижтимоий шерикларига, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга устувор вазифа сифатида қарамоқда. Бунда, айниқса, маҳаллалардаги партиянинг қўйи ташкилотлари фаолиятини кучайтириш муҳим ўрин тутади. Хоразм вилояти партия кенгаши фаоллари ҳам дастурий гоёларимизни аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда ушбу омилга алоҳида эътибор қаратишмоқда.



гимиз уларга кундалик ҳаётдаги турли масалалар ечимидан кўмаклашиш, ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги долзарб масалаларни депутатлик корпуси ёрдамида тегишли ташкилотлар орқали ҳал этиш имконини бермоқда, — дейди БПТ раиси Худайберган Тиллаев. — Шунингдек, фаолларимиз ташаббуси билан кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, имконияти чекланган кишиларга беминнат ёрдам кўрсатиш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда маҳалла аҳлига керакли маслаҳатлар бериш қўйи бўғинимиз фаолиятининг асосига айланган.

Айни кунларда эса Президентимизнинг Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил якунлари ва

2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган ҳулосаларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилишга эътибор қаратмоқдамиз. Бу орқали фуқароларимизнинг Юртбошимиз маърузаларида келтирилган ҳар бир рақам ва кўрсаткичлар замирида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар самараси ва албатта, захматқаш халқимизнинг шижоати, ёруғ келажак сари интилиши мужассам эканлигини англашга, уларни ижтимоий-сиёсий фаолликка чақиритишга ҳаракат қилиялми.

Қолаверса, маҳалладаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга партиянинг дастур ва вазифаларини чуқурроқ сингдириш, инновацион фикрлашни ўргатиш ҳамда партия сафига кенгрок жалб

қилишга катта эътибор қаратаймиз. Бунинг самараси ўларок жорий йилда маҳалламиз ёшлари орасидан Дилноза Жуманиёзова вилоят партия кенгаши томонидан иқтидорли қизлар учун таъсис этилган "Адолат дўпписи" махсус совғаси соҳиби бўлди. Бу каби танловлар эса ёшлар орасидан янгидан-янги иқтидор эгаларини кашф этиш, уларнинг келажакка ишончи ва партияимизга қизиқишларини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур БПТ фаоллари жорий «Соғлом бола йили»да янада катта мақсад ва режаларни олдиға қўйган. Яъни, маҳаллада жамоатчилик назорати тизimini янада кенг йўлга қўйиш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, "Адолат" СДПнинг ҳаётбахш гоёларини кенг тарғиб қилиш орқали йил охирида бўлиб ўтайдиган парламент ва вакиллик органларига сайловларда партияимиз номзодларининг муносиб қўллаб-қувватлашига эришиш устувор вазифа этиб белгиланган. Ушбу дастурий мақсадларга эришиш учун БПТда барча имкониятлар етарли, фаоллар ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатишса бас.

Иқболой НИШОНБОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Хоразм вилоят кенгаши
матбуот котиби

Хусусан, Қўшқўпир туман партия кенгаши таркибидаги 8 та бошланғич партия ташкилоти ўз атрофида 600 нафарга яқин аъзони бирлаштирган бўлиб, улар орасидаги айнан маҳалла фуқаролар йиғинларида тузилган қўйи ташкилотлар фаоллари жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари таъсирчанлигини ошириш, партия сафларини юрт тараққиёти учун курашга бел боғлаган фаол, сиёсий етук аъзолар билан тўлдиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Тумандаги "Араблар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳолида ташкил этилган БПТ ана шундай фаол қўйи бўғинлардан биридир. Ўз нафарга яқин аъзони бирлаштирган мазкур қўйи ташкилот фаол-

ларининг туман партия кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётгани яхши самара бермоқда. Жорий йилнинг ўтган бир ойидаёқ депутатлар ва партия фаоллари кўмагида "Соғлом бола йили"га бағишланган ўндан зиёд тадбирларнинг юқори савияда ўтказилганлиги сўзими таъсирчанлигини ошириш, партия сафларини юрт тараққиёти учун курашга бел боғлаган фаол, сиёсий етук аъзолар билан тўлдиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Маҳаллада ўтказилган "Соғлом онадан соғлом бола туғилади", "Истиқболли ёшлар — Ватан тараққиёти гаровидир", "Болалари соғлом юрт қудратли бўлар", "Болаларга эътибор — миллатга эътибор" каби мавзуларда ўтказилган тадбирлар, айниқса, кўпчилида қизиқиш уйғотди.

Аҳоли орасида эканли-

Ёшларда инновацион тафаккурни ривожлантириш

илм-фан тараққиёти янада тезлашишига олиб келади

Хамкорларимиз фаолиятдан

Жамият тараққиёти оғатга фан ва технология ривож билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Жамият ривожлангани сари фан ва технологияларнинг кундалик ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораверади. Фан ва технология воситалари ҳар бир кишининг турмуш гаражаси, иқтисодий аҳволи, руҳий-маънавий қиёфасини белгилаб беради.



Нурмурад РАМАЗАНОВ,
«XXI asr texnologiyalari»
журнали бош директори,
Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси

Мустақиллик йилларида инновацион фан ва технологияларнинг ривож, мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларига кириб келиши, айниқса, ахборот-коммуникация соҳасидаги ўзгаришлар ўсмир-ёшларнинг билим олиш имкониятларини бекибс даражада кенгайтириб юборди. Интернет тўғрисидаги жажоннинг барча кутубхоналари эшикларини очилгани, масофадан туриб ўқиш ва ўқитиш усуллари, дунёнинг турли илм даргоҳларидаги илмий лойиҳалар, грантлар ва олимпиадаларда иштирок этиш имконияти пайдо бўлгани ёшларда ўз истеъдодини намоён қилиш, янгиликка интилиш, инновацион ва рационализаторлик гоёлари билан жамият ҳаётига фаол аралашуш фазилатларини тарбиялади.

Инновацион гоёлар ва янги технологиялар тўғрисида аҳоли шарт-шароитининг ўзгариши, ахборот олиш ва узатиш имкониятларининг такомиллашуви, биринчи навбатда, ёшларнинг, айниқса, ўсмирларнинг аниқ шаклланиш жараёнида бўлган дунёқараши, билим олиш салоҳияти, маънавий-ахлоқий дунёси, шунингдек, жисмоний ва руҳий саломатлиги билан бевосита боғлиқдир.

Шунингдек, ёшларнинг асосий қисмида янги технологиялар билан баравар қадам ташлаш, уни ўз ақлий тақомили учун восита, деб билиш, илмий-технологик ўзгаришлар жараёнида

нига ўзининг гоёлари билан қўшилишга интилиш, турли ахборот оқимларига қарши ўз маънавий-ахлоқий принципларини қарши қўя олиш каби хусусиятлар алоҳида кўзга ташланади.

Шу билан бирга, технологиялар имкониятларидан тўғри ва мақсадли, онгли равишда фойдалана олмайдиган, компьютер, интернет, уяли телефонга маҳлиё бўлиб, турли ахборотлар, рекламалар, шуолар, миллий қадрият ва ахлоқий мезонларимизга ёт бўлган «оммавий маданият», деб аталган бўҳронлар таъсирига тушиб қолаётган ёшлар ҳам учраб тураётганидан кўз юма олмаимиз.

Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти унинг ўсиб келаётган ёшларига боғлиқ экан, ҳозирги глобаллашув даврида ёшларнинг ҳар томонлама баркамол, комил инсон бўлиб етиштишида, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб улғайишида инновацион гоё ва технологияларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу янгиликларнинг нафақат ёшлар онгига, балки уларнинг тафаккур тарзига кириб боришида китоблар ва қўлданмалар, билан бирга оммавий ахборот воситаларининг, айниқса, газета-журналларнинг ҳам ўрни бекиёс. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 майдаги қарорларига

асосан ташкил этилган «XXI asr texnologiyalari» журнали ёшларнинг алоҳида қизиқишларига сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда янги инновацион гоё ва технологияларни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, дунёнинг илгор технологик ютуқларини мамлакат ҳаётига жорий этиш ва шу орқали халқ турмуш тарзини юқори даражага кўтариш борасида қилинган ишлар акс этган таҳлилий ва фактик материаллар ёшларимиз томонидан катта эътибор билан қўлиб олинмоқда. Бу эса, барча жабҳаларда ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб келаётган мамлакатимиз ёшлари дунёқарашининг кенгайишига, билим савиясининг ошишига хизмат қилиши билан бирга, уларни умумжаҳон фан-технологиялари тараққиётига ўз ҳиссаларини қўишига руҳлантирмоқда.

Журнал таҳририяти қатор олий ўқув юртли ва улар таъсирдоғидаги коллеж, ҳамда академик лицейларда таълим олаётган ўқувчи ва талабалар билан мунтазам равишда ижодий учрашувлар ўтказиб келмоқда.

Жумладан, С.Сирожиiddинов номидаги академик лицейда бўлиб ўтган учрашувда астро-

физика ва галактикаларда юз бериши мумкин бўлган жараёнлар ҳақида, қуёшдаги термоядро реакциялари ва қуёш системасидаги сайёраларнинг тарихи ҳамда бошқа осмон жисмларини ўрганиш борасида дунё олимларининг қўлга киритаётган ютуқлари тўғрисидаги маълумотлар ўқувчиларда чуқур таассурот қолдирди. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий муассасаларида олиб борилаётган бир қатор илмий изланишлар, ёритилган мақолалар тўғрисида давра суҳбатлари ўтказилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабалари билан бўлиб ўтган учрашувларда журналимизда кенг ёритиб борилаётган ва мамлакатимиз ёшлари учун қизиқарли бўлган мавзулар хусусида фикр алмашилди.

Шунингдек, Тошкент темир йўл касб-хунар коллежи ўқувчилари билан ўтказилган учрашувда журнал саҳифаларида ёритилаётган мақолаларда берилган маълумотлар ҳақида коллеж ўқувчиларининг фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида тест кўринишидаги сўровнома ўтказилди. Бу сўровномадаги саволларга тўла жавоб бериш учун ҳар бир ўқувчига журналнинг турли вақтда чиққан сонларидан намуналар берилди. Ўқувчилар журнал сонлари ва уларда чоп этилган мақолалар ва бошқа маълумотлар билан батафсил танишиб чиқиб, сўровномада берилган саволларга жавоб қайтариш имкониятига эга бўлдилар. Бундан ташқари, коллеж ўқувчилари билан бутун дунёда энг долзарб масалалардан бири бўлиб турган муқобил энергия турлари ва улардан унумли фойдаланиш муаммолари масаласи бўйича давра суҳбати ўтказилди. Унда ўқувчилар қуёш энергияси ва уни бошқа энергия турларига айлантиришда қўлланиладиган замонавий қурилмалар ҳақида-

ги маълумотларга жуда катта қизиқиш билдирдилар. Шунингдек, Фарадей клуби аъзолари билан ҳам учрашув ўтказилиб, уларни қизиқтирадиган соҳада савол-жавоблар ташкил этилди.

Таҳририят ходимлари журнал сонларини мазмунли тайёрлаш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг «Ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш» мавзусидаги ҳамда «Янги инновацион гоё ва технологияларнинг ўсмир-ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши, дунёқараши, маънавияти шаклланишидаги роли» мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаларини ҳам амалга ошириб келмоқда.

Ушбу лойиҳалар доирасида тайёрланган 2 та илмий оммабоп мақолаларда ҳам ёшларда инновацион тафаккурни ривожлантириш, янги технологияларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш соҳасида амалий аҳамиятга молик илмий-техникавий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар ишлаб чиқилишига ёшларни жалб этиш бош мақсад қилиб олинган.

Хулоса қилиб айтганда, болаларимиз ва ўсмирларимизнинг мамлакатимизда фан ва технологияларни янада ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятидан, замонавий технологияларни яратиш, уларни ҳаётга кенг татбиқ этиш борасидаги ишлардан, жажонда мазкур соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб бориши уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида, замон билан ҳамнафас қадам ташлашларида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

Ёшлар гиёҳвандликка қарши

Бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бирига айланган гиёҳвандлик бутун дунё аҳолини ташвишга солмоқда. Шу сабаб унга қарши курашиш, аср вабоси саналган ушбу иллатдан ёшларни сақлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти ташаббуси билан Андижон давлат тиббиёт институтида ўтказилган давра суҳбати ҳам аини шу масалага бағишланди. Унда талаба-ёшлар, партия фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатиде таъкидланганидек, кейинги вақтда гиёҳвандликка қарши курашиш қанчалик кучайганига қарамай, ҳамон у билан боғлиқ жиноятлар, захри қотилни истеъмол қилишга ружу қўйганлар ораимизда оз бўлсада учраб турибди. Улар билмайдик, бу билан ўз умрига зомин бўлмоқдалар.

Гиёҳвандлик инсонни аянлик аҳволга солиши, наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноятчилар қилмишининг кечирилмаслиги, уни истеъмол қилиш инсон саломатлигига қанчалар зарар етказишини тарғиб қилувчи видеофильмлар, маърузалар ва мутахассисларнинг чиқишлари тадбир иштирокчиси бўлган ёшларни ҳушёрликка қақирди.

— Бугунги тадбирдан келиб чиқиб, ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олишнинг бирдан бири йўли тарғибот-тушунтириш ишларини кўпроқ ташкил этиш эканлигига яна бир бор амин бўлдик, — дейди вилоят партия кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти етакчиси Аҳрор Адашалиев. — Чунки аксарият ёшлар наркотик моддаларнинг инсон саломатлигига зарари ҳақида у қадар тўлиқ тушунчага эга эмас. Бу эса уларни ўзи билмаган ҳолда адашиб гиёҳвандлик йўлига кириб қолишга олиб келиши мумкин.

Тадбир якунида фаол ёшлар ва мутахассислардан иборат тарғибот гуруҳи томонидан жойларда мана шундай давра суҳбатлари ташкил этишга келишиб олинди.

Ақбаржон НАЗАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти кенгаши матбуот котиби

Боланинг бегонаси бўлмайди

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Карвонсарой кўрғазмалар залида «Соғлом бола — соғлом ҳаёт» мавзуга хайрия тағбири ташкил этилди.



«Соғлом бола йили»га бағишлаб ўтказилган тадбирда партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Тошкент шаҳар партия кенгаши фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари, заиф эшитувчилар мактаби тарбияланувчилари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар республикамизда ёш авлодга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун яратилган шароитлар ҳамда уларнинг самаралари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритишди. Таъкидланганидек, билаларда соғлом муҳитни шакллантириш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган аини пайтда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, имконияти чекланган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишга кўмаклашиш давлат ва жамоат ташкилотларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Шу жиҳатдан «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ташкил этилган мазкур хайрия тадбири ҳам ёш авлодга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди.

— Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор инсон учун» тамойилига риоя қилган ҳолда, қучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этиши белгиланган, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши раиси П.Пармонова. — Шу боисдан бугунги тадбирни ўтказиш орқали меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда яққа-ёлғиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож қарияларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мақсад қилинган. Бу каби тадбирлар меҳр ва ғамхўрликка муҳтож болажонларимизнинг ўзларини ҳеч кимдан кам ҳис қилмасдан, соғлом, маънавий етуқ, она Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳида камол топишларига хизмат қилиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, жорий «Соғлом бола йили»да ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган бу каби сай-ҳаракатларни изчил давом эттирган ҳолда, уларни янада юқори босқичга кўтариш Ўзбекистон «Адолат» СДП олдида турган энг устувор вазифа бўлиб қолади.

Хайрия тадбирига таширф буюрган эл суйган санъаткорлар, эстрада хонандаларининг чиқишлари йилгиланларга, айниқса, болажонларга олам-олам қувонч бағишлади. Тадбир сўнггида 80 нафар болажонларга ва 20 нафар кам таъминланган, яққа-ёлғиз қарияларга Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Бобир ОТАМУРОВО,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

Сўранг, жавоб берамиз!

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш қайси орган томонидан амалга оширилади?

М.Худойқулов,
Фориш тумани

1999 йил 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни 21-моддасига асосан, нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари, республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудларида фаолият олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти қандай асосларга кўра тўхта-тиб қўйилиши мумкин?

Ж.Болтаев,
Дўстлик тумани

Мазкур қонуннинг 34-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан нодавлат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган, шунингдек, устав мақсадларига зид ҳаракатлар содир этилган тақдирда прокуратура органлари ёки адлия органлари кўрсатилган қоидабузарликлар тўғрисида мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар органларига тақдимнома киритади ҳамда бу қоидабузарликларни бартараф этиш муддатини белгилайди. Агар бу қоидабузарликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти прокуратура ва адлия органларининг тақдимномаси асосида суднинг қарори билан олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб қўйилади.

Саволларга Жиззах вилоят Адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи Ш.ШЕРНАЗАРОВ жавоб берди.

Ноқонуний савдонинг олди олинмоқда

Солиқ почтасидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 январдаги «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмни янада тартибга солиш тўғрисида»ги қарори билан мамлакатимиз ҳудудига амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ республикамизнинг резидентлари ва норезидентлари — юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валютада ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби янада мустаҳкамланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг юқоридаги қарори мазмун-моҳияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам чиқишлар ташкил этилиши, қолаверса, аҳоли ва барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кенг тушунтириш ва пролифактика ишлари олиб борилишига қарамай, нақд хорижий валютада ҳисоб-китобларни амалга ошираётган тадбиркорлар ҳамон учраб турибди.



Ўтказган назорат тадбирида яқка тартибдаги тадбиркор Жасур Мардонов (исм-фамилияси шартли) томонидан ноқонуний равишда харидорга мебеллар тўпламини нақд 4 минг 800 АҚШ долларига сотаётганлиги аниқланди. Қолаверса, текшириш жараёнида тадбиркорнинг бошқа қинғир ишлари ҳам фош этилди. Хусусан, тегишли ҳужжатлари бўлмаган 12,8 миллион сўмлик маҳсулотларни савдога қўйганлиги ҳамда савдодан тушган 628,2 минг сўм миқдордаги нақд пуллар назорат-касса машинасига кириш қилинмаганлиги аниқланди. Шунингдек, ўрганиш жараёнида тадбиркор томонидан савдо дўконига ҳисоб-китоб терминали ўрна-тилиши шарт бўлса-да, ҳисоб-китоб терминали ўрнатмасдан фаолият кўрсатиб ва икки нафар фуқарони норасмий равишда ишга ёллаб, «конверт» усулида иш ҳақи бериб келинаётганлиги ойдинлашди. Пировардида эса қонунбузарга нисбатан белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилиб, тегишли жазо чоралари кўрилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Юртбошимизнинг мазкур қарори миллий валютаимиз — сўмимизнинг қадр-қимматини оширишда, нақд пул муомаласини янада тартибга солишда, бир сўз билан айтганда, валюта сиёсати билан боғлиқ масалалар ижобий ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Рустамжон БАХРИДИНОВ,
Намангон вилояти Давлат солиқ
бошқармаси бўлим бошлиғи

«Оммавий маданият» — оломон маданияти

«Adolat» шарҳи

Глобаллашув жараёнларининг инсон тафаккури, жамият ривожига кўрсатадиган таъсири ниҳоят гаражага беқиёс эканлиги, глобаллашувнинг афзалликларини инкор этмаган ҳолда унинг инсон маънавиятига тўғридан-тўғри хавф-хатарлари, яъни глобаллашув кўланкасида кириб келаётган оқим — «оммавий маданият»нинг салбий таъсири ҳақида бонг уриш давр талаби.

Хўш, «оммавий маданият» нима? У нимаси билан хатарли? Бу саволларга жавоб аниқ: «Оммавий маданият» ёки айтиш керакки, «оломон маданияти» туб моҳиятига кўра миллий маданиятларнинг кушандасидир. «Оммавий маданият»нинг салбий жиҳати шундаки, у одамзоднинг фикрлашига тиш-тирноғи билан қарши, у ахлоқсизлик ўчоғидир. Фикрсизлик оқибатида тобе бўлиш — куч билан бўйсундирилгандан кўра минг чандон фожиалидир. Гап ана шу мантикда! Демак, бу ёвуз кучларнинг таъсири олдини олиш, ёшларимиз руҳиятида миллий маънавий-мафкуравий иммунитетни кучайтириш шу юрда тарқатилган барчамизнинг кечиктириб бўлмас энг зарур вазифаларимиздандир.

Тезкор ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида дунёдаги турли халқ ва элатлар орасида глобаллашув жараёнлари содир бўлаётган вақтда бутун инсоният, жумладан, халқимиз ҳам маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли мафкуравий таҳдидлар остида яшамокда. Шу ўринда сиёсий глобаллашув билан тенгма-тенг ҳолатда фан, маданият, таълим ва ахлоқ соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий-маданий глобаллашув ҳам содир бўлаётганлигини ёддан чиқармаслигимиз зарур.

Бугунги замонавий фан «оммавий маданият»нинг туб замирида тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини эътироф этади. Тарихга назар солинса ҳар доим маҳсулотлар билан бирга бегона мафкуралар ҳам тарқалгани маълум бўлади. Савдогарлар ўзлари билан нафақат маҳсулотларини, балки янгиликларни, динни, мафкурани, қолаверса, маданиятни ҳам тарқатишган. Ана шу усул бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ ва ҳозир ҳам савдогарларнинг маданиятлар экспортида фаол қўлланилмоқда. Фарқли жиҳати шундаки, авваллари бу ҳолат савдогар воситасида ба-жарилган бўлса, бугун бу ва-зифани маҳсулотнинг ўзи адо этапти. Масалан, ўзини «ута


ривожланган, цивилизациянинг юқори чўққисига эришган», деб иддао қилаётган 5-10 та давлатлардан бирининг байроғи туширилган мато ва сочиқларни енгил машиналарга қўйиб юриш, фарб давлатлари рамзи туширилган кийимлар, турли ажнабий ёзувлар ёзилган, маъносини ўзи ҳам тушуниб етмайдиган майкаларни кийиб юрганлар «оммавий маданият» тарғиботчиси бўлаётганини кўришимиз мумкин.

... замонавий воқелик интернет ва ОАВ-лари фақатгина ижобий моҳиятга эга эмаслиги, уларнинг ғаразли мақсадларга хизмат қилаётгани ҳам бор гап. Мутахассислар ўтказган махсус тадқиқотлар дунё сайтларининг тахминан 12 фоизи порнографик характерга, интернет орқали тарқатиладиган компьютер ўйинларининг 49 фоизи зўравонлик ва ёвузлик тарғиботига, 41 фоизи жангариликка асосланганлигини кўрсатди.

«Оммавий маданият» туб моҳиятига кўра, маданий хилма-хилликни, хушдамайди, унинг асл мақсади — бу оламни бир хил рангда кўришдир. Миллий маънавий маданиятимиз ва диний қадриятларимиз мазмун-моҳиятидан жуда гўзал. Бу миллий маданиятимиздан бегона руҳиятда вояга етадиган ёшлар табиий равишда турли ёт кучлар қурбонига айланишлари мумкин.

Афсуски, бугун баъзи ёшларимизнинг миллий маданиятимизга зид ҳолатда киндик кўринар кийинишларида, қучоқлашиб, ўпишиб саломлаш-мишларида, қизлар бурун ва киндикка сирға олиб юриши-да, «авлиё Валентин» кунли каби тадбирларни нишонлаш-ларида «оммавий маданият»нинг таъсири яққол кўриниб турбди.

Хатто бундан 3-4 йил муқаддам Ташкентда Хеллоун байрами ажиб бир шижоат билан нишонламоқчи бўлган ёшлар ҳам топилди. Аксарият давлатларда «даҳшатли Хеллоун» деб таъриф бериладиган байрам бизга, Ўзбекистон ёшларига нима учун керак бўлиб қолди?! «Валентин»,



«хеллоун»ларнинг келиб чиқиш тарихи, мақсади ва яширин ташвиқотидан хабарлари борми уни уштирмоқчи, нишонламоқчи бўлганларнинг? Билмасалар, билиб қўйсинлар: Хеллоун — аёз, зулмат, қабро-хат ва ўлим (ёки ўликлар — мурдалар) худоси бўлган Сам-хаин номи билан боғлиқ ма-росим. Уни дастлаб ҳозирги Буюк Британия ва Шимолий Ирландия ҳудудидagi халқлар нишонлаганлар. Совуқ кунлар арафасида 31 октябрдан 1 но-

лик, эгоцентризм, аёлларнинг ичкилик ичиши, порнографик маҳсулотларни тарғиб қилиш, тамаки чекиш, баданига турли татуировкалар қилиш, бир хил жинсдаги кишиларнинг турмуш қуриши, царизм (эстрада юл-дузлари, телебошловчиларга, актёрларга тақдир қилиб қий-иниш, уларни илоҳийлашти-риш), очик кийимлар кийиш, ватансизлик, билимсизлик, китч (заррача бадий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш), комикс (таги-га қисқа матн ёки лўқмалар битилган беҳаё матбаа — расм маҳсулотлари), хиппи-нинг (аввалдан режалаштирил-маган, ногаҳонда уюштирила-диган кескин томошалар, ма-салан, савдо расталари, пиани-но ёки автомобилларни уриб мажаклаш, ўт қўйиш орқали ва-хшиёна, оммавий «кўнгил очиш»-лар уюштириш). Кани, энди ҳам ёқа ушламай кўринг-чи!

Равшан бўлдики, «оммавий маданият» ёшларнинг маданий онги тўғри шаклланишига сал-бий таъсир кўрсатиб, уларни худбин қилиб вояга етказди. «Сенга эркинлик берилди, билганингни қил, ёшлигингда айшингни сур, кўнглинг туса-ган ишни қил, озод ва хурсан, хаттоки ота-онанг ҳам сенга ҳўжайин эмас», деган сафса-талар ёшларни ҳар қандай диндан ва маданиятдан чал-гитаси ва жамият олдидаги ма-сўулиятини йўққа чиқаради, инсонийликдан бегона қилади. Энг ачинарлиси, бу нарсанинг кундалик турмушга кириб кели-ши жуда тез юз беради, яъни, қандайдир 3-4 йил ичида ки-риб келган нарсанинг йўқ бўли-ши учун эса 15-20 йил ёки ун-дан ҳам кўп вақт керак бўлади.

Ёшларимизни «оммавий ма-даният» таҳдидларидан асраш учун юксак инсонийлик ва одобга асосланган миллий мафкурага таянишимиз муҳим аҳамиятга эга. Бунда эътибор-ни мафкураимизнинг қомил ин-сон бўлиш тамойилига қара-тишимиз билан бирга аждо-ларимиздан бизга мерос бўлиб қолган урф-одатлари-мизга, гўзал аъналаримиз ва миллий қадриятларимизга су-янишимиз шубҳасиз қўтилган самарани беради.

Халқимизнинг тарбияси асо-

сида вояга етган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Алишер Навоий каби аждо-ларимиз ватанпарвар, оила-парвар, шарму ҳаёли, шижо-атли ва ор-номусли бўлиб воя-га етишган. Ҳаё ва андиша аёл зотида оналик тимсоли бўлса, эркак зотида ҳам сув ва ҳаво-дек зарур. Ҳаёсиз эркаклар бор жойларда аёлларнинг ҳаё пардалари кўтарилади. Ҳаёсиз аёллар яшайдиган жамиятда эса ҳаёсиз ва беандиша фар-зандлар дунёга келади.

Оқибат ва ҳаё, меҳмондўст-лик, болажонлик биз ўзбеклар маданиятининг буюклигидан-дир. Ҳеч бир халқ йўқки, биз-нинг она Ватанимиз гўзалли-ги ва халқимизнинг меҳмон-дўстлигига қўйил қолмаган бўлса. Меҳмондўстлик ва ба-рикенглик, оқибат ва андиша миллий менталитетимиз ва миллий бойлигимиздир. Фар-зандларимизни ўзбек халқи-нинг бой миллий маданиятига мос қилиб тарбиялашимиз, ўз халқимизнинг миллий қадрият-ларини билмай, ўзгаларнинг иф-лос ва ҳаёсиз ҳаракатларига эргашаётган айрим ёшларни тўғри йўлга қайтаришимиз за-рур. Болаларнинг назоратсиз қолганлиги ва тарбиясиз воя-га етаётганлигига катталар айбдор. Зеро, машойихлари-миз «Илк ғиштни қийиш қўйса гар меъмор, ойга етса ҳам қийишқидир девор», деган пур-маъно ҳикматларни битганда катта ҳаётий тажрибага суя-ганлари чин ҳақиқат.

Айниқса, «оммавий мадани-я»нинг қурбони бўлаётганлар ватанфурӯш қимсаларга айла-нишини ёдимизда сақлайлик. Ватанфурӯшлар Ватанини ош-кора сотмаслиги мумкин, аммо Ватанини ич-ичидан ке-мириб, Ватан тарққиётига ҳисса қўшмасдан бефарқ яшаш ҳам ватанфурӯшликнинг бир кўринишидир! Ана шундай салбий сифатлардан болала-римизни асрашимиз ва тар-бияга жиддий эътиборимизни қаратишимиз мақсадга муво-фиқ бўлар эди. Фарзандлари-мизни спортга, илм олишга, ҳунар ўрганишга, шарму ҳаёли бўлишга ўргатиш бизнинг ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш ва уларда маъна-вий иммунитетни мустаҳкам-лашда ўзини жавобгар деб би-лиши ва бу борадаги таъсир-чан тарғибот тадбирларга эътиборни кучайтириши зарур. Бу каби фазилатларнинг ҳаёт-га таътиб этилиши жамиятнинг гуллаб-яшнаши ҳамда обод бўлишини таъминлаши шуб-ҳасиз.

Нодир МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийёс Кенгаши Мокраши
аппарати Матбуот хизмати
раҳбари

КЎВВАТНИ ҚЎЁШДАН ОЛАДИГАН ТЕМИРТАНЛАР

Бугунги шиддат билан тараққий этаётган замонада роботлар ҳаётимизнинг ҳар бир жаҳасига кириб кел-моқда. Инсоният оддий ошхона юмушидан тортиб то таъмирлаш ишларига техникага ишониб топширмоқда. Айниқса, кейинги йил-ларда қатор мамлакатларда бу борада тажриба тўпланмоқда.

Конго Демократик Республикаси пойтахти Киншасада йўл ҳаракатини бошқариш топширилган иккита ана шундай робот ўрнатилди. Бу ҳақда CCTV Africa телеканали лавҳаси орқали маълум қилинди.

Роботлар йўлнинг транспортлар қатнови ва пиедалар ҳара-кати зич бўлган қисмига жойлаштирилган бўлиб, улар свето-фор вазифини бажаради.

Киншасадаги Амалий технология институтини инженерлари иш-лаб чиққан андроидларнинг светодиод табло кўринишидаги чи-роқлари уларнинг елка, гавдасининг олди қисмида ва қўлида жойлашган.

Бундан ташқари, ҳар бир робот тўртта кузатув камераси би-лан жиҳозланган. Бу эса йўл ҳаракати қоидабузарларини аниқ-лаш ва уларга қарши зарур чора кўриш имкониятини беради. Шунингдек, келажақда андроидлар йўл ҳаракати давомида со-дир этилган турли тартиббузарликларни камерага ёзиб олиш орқали уни қайта таҳлил марказига юбориш амалиёти қўлла-нилмоқчи.

Мазкур роботлар алюминийдан тайёрланган. Шу боис, улар хотирасига ўрнатилган қўлларини юқорида кўтариш, пастга ту-шириш ҳамда танасининг юқори қисмини айлантириш каби буй-руқларни енгил бажаради.

Ушбу роботлар тахминан 15 минг долларга баҳоланмоқда. Шуниси аҳамиятлики, улар зарур миқдордаги электр энергия-сини қўёш батареялари орқали олишади.

“ЭКО УЙЛАР”: МЕЪМОРЧИЛИҚДА ЯНГИЧА ЕЧИМ

Сўнгги йилларда олимлар ва мутахас-сислар томонидан муҳобил энергия захиралидан фойдаланиш орқали экологик мусавво-ликни асраш, ҳайво-нот олами ва ўсим-ликлар генофондини сақлаб қолиш, аҳоли ва ёш авлод онига



эко таълимни сингдириш, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни бир маромда ушлаб туришга қаратилган бир қатор ғоялар ўртага ташланмоқда. Ушбу мақсад сари турли кўриқхона, боғлар, “эко уйлар” барпо этилмоқда. Бинобарин, “яшил” бинолар технологияси экологик муаммоларни ҳал этиш, ресурсларни тежаш ва энергия самарадорликка эришишнинг энг маъбул воситиси бўлиб қолмоқда.

Сингапур ва Мельбурн университетининг бир гуруҳ талаба-лари ана шундай “яшил” талабалар шаҳарчасининг антиқа лойи-ҳасини ишлаб чиқишди. Mushroom Community Campus номини олган мазкур қурилиш биноси барча экология талабларига жа-воб берибгина қолмай, балки, у нооддий бўлган ўз ташқи қиёфаси билан шаҳар фуқаролари ва сайёҳларни ҳайратга со-лиши кутилмоқда. Лойиҳа муаллифлари ўхшаши йўқ дизайн яратиш мақсадида кўп бош қотиришди ва охири табиийлик акс этиши учун кўзқорин шаклига тўхталашди.

Ўзига хос услубдаги кампус (университет шаҳарчаси) шимо-лий-ғарбий Вьетнамдаги Шапа шаҳрида қурилиши режалашти-рилган. Шуниси эътиборлики, иншоот қурилиши учун ашё си-фатида табиий маҳсулотлар ишлатилиши маълум қилинган. Жум-ладан, унинг қад кўтаришида асосан шили пояси ва унга ўхшаш материаллардан фойдаланилади. Экзотик тусдаги лойиҳада ҳаво алмашинуви ва ёритиш воситалари ҳамда ёмғир сувларини оқизишга хизмат қилувчи бир қатор механизмлар қўлланилиб, уларнинг вазифаси бионинг энергия таъминоти сарф-хаража-тини камайтиришдир.

“Эко уй”да фотоэлектрик панеллар ва сув иситиш тизими-нинг иш фаолияти доимийлиги қўёш энергиясидан фойдалан-ган ҳолда амалга оширилади. Бу технологиялар кампуснинг тўлиқ энергетик мустақиллигини кафолатлайди. Лойиҳа муал-лифларининг таъкидлашича, энергия самарадорлигига эришиш-нинг бундай ёндашуви карбонат ангидрид газларининг ҳавога чиқарилишини 70 фоизгача камайтиради.

КУЙ ТАРАТУВЧИ КЎЗОЙНАК


Оддий компьютерга бўлган талаб камайган бир пайтда Samsung компанияси жорий йилда Google Glass маҳсуло-тига рақобатбардош мосла-мани ишлаб чиқариш арафа-сида. Натижада смартфон ва планшетлар бозори янада чакқонлашиши кутилмоқда.

Аксарият компаниялар берган баёнот ва мутахассислар ўтказ-ган таҳлилларга кўра, мазкур йилда жуда кўплаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. Қўл соати ва ақли қўзойнаклар — ушбу икки йўналиш аксарият смартфон ва планшетчиларнинг диққат марказида.

— Бунинг сабаби оддий: ақли қўзойнаклар — истиқболли маҳсулот. Келажақда ундан юк машинаси ва енгил автомобил-ларда фойдаланиш режалаштирилмоқда, — дейди компания вакили.

Бугунги кунда Google Glass ушбу маҳсулотнинг сўнгги талқи-нини фойдаланувчилар учун йилнинг иккинчи ярим йиллигида тақдим этишни белгиланган бўлса, Samsung компанияси ушбу тақдимотни Берлинда сентябрь ойида ўтказиладиган IFA 2014 кўргазмасида ўтказишни режалаштирмоқда.

Хозирча маҳсулот ҳақида маълумотлар кўп эмас. Айтишлар-ича, функционаллик жиҳатидан Galaxy Gearга ўхшаб бўлиб, смартфон билан биргаликда ишлатиладиган мосламалар, яъни смартфонга келган хабар ҳақидаги маълумот қўзойнакнинг шаф-фоф ойнасида намоён бўлиши кутилмоқда. Шунингдек, овозли хабарларни ҳамда мусиқа тинглаш имконияти мавжуд.



“Келгинди” тамаки

Божхона бекати

Республикамизда тамаки маҳсулотла-рига акциз маркаларини қўллаш шу тур-даги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва со-тиш устидан давлат назоратини ўрна-тиш, шунингдек, акциз солиғини тўлиқ йиғиб олиш, мазкур товарларнинг яши-рин тарзда ишлаб чиқарилишининг ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда, 1996 йилнинг 1 октябрдан бошлаб Ўзбекис-тон Республикасида ишлаб чи-қарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳ-сулотларини белгиланган маму-надаги акциз маркалари билан мажбурий маркалаш тартиби жорий этилган. Мазкур тартиб-ларга риоя қилмасдан тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириш, акциз маркалари-ни ёпиштирмаган ҳолда ташиш

(халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш эса тақиқлаб қўйилди.

Шунга қарамадан тамаки маҳсулотларини ноқонуний йўл-лар билан республикамизга олиб киришга бўлган уринишлар уч-раб турибди. Республикамизда божхоначилари томонидан эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳам-корликда олиб борилаётган тез-кор тадбирлар натижасида бу

каби уринишларга ўз вақтида чек қўйилмоқда.

Жумладан, “Тошкент-Аэро” иж-тисослаштирилган божхона ком-плекси ходимлари томонидан Москвадан учиб келган хориж фу-кароси Л.Саргисяннинг қўл юкла-ри орасида 260 қути турли хил сигаретларнинг яширин равишда олиб кирилишининг олди олин-ди.

Шунингдек, «Шаржа-Тошкент» рейси бўйича парвозини яқунла-ган пойтахтлик А.Исламов ҳам “кашанда” чиқиб қолди. Қаранг-ки, у қиймати 3,5 млн. сўмдан ортиқ бўлган 800 қути чет эл си-гаретларини божхона баённома-сида қайд этишни гўёки унутиб қўйибди.

Тошкент шаҳар божхона бош-қармаси “Келес” темир йўл чега-ра божхона пости ходимлари то-монидан ҳам бир неча қонунбу-зарлик ҳолатларида тамаки маҳ-сулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига нукта қўйилди.

“Москва-Тошкент” йўналиши-даги йўловчи поезди вагонлари-дан бири амалдаги тартибларга мувофиқ божхона назоратидан ўтказилганда, фуқаро Р.Маликов-нинг ноқонуний равишда олиб ки-

ришга уринган қиймати 63 млн. сўмдан ортиқ бўлган 14 турдаги товар-моддий бойликлари ораси-да 1330 қути тамаки маҳсулот-лари ҳам борлиги аниқланди. Мазкур хориж сигареталарининг умумий қиймати салкам 11 млн. сўмни ташкил қилар экан.

Кези келганда таъкидлаш жо-зикки, акциз марказиёҳуд бошқа давлатларнинг акциз ёрлиғига эга бўлган тамаки маҳсулотларининг юртимизга ноқонуний равишда олиб киришга уринишлар кўпроқ қўшни Қирғизистонга туташ чега-радош ҳудудларда кузатишмоқда. “Келгинди” тамаки маҳсулотлари-нинг ўзбек тилида марказланма-гани етмагандек, уларнинг қадо-ғида тамакининг саломатликка зия-ёни ҳақида огоҳлантирувчи дав-лат тилидаги эслатмалар ҳам мав-жуд эмас.

Жумладан, Андижон вилояти Пахтаобод туманини қўшни дав-латга туташтирувчи чегарадош ҳудудда аниқланган 7 та қонунбу-зарлик ҳолатида, мазкур ҳудудда ҳаракатланаётган ва ҳуқуқни му-ҳофаза этувчи идоралар вакилла-ри кузатувига тушганини сезиб қолган, дуч келган томонга жуфт-такни ростлаган қонунбузарлар-нинг ташлаб қочишга мажбур бўлган юқари ўрнатилган тартиб-да ва ҳолислар иштирокида қўздан кечирилди.

Натижада, ушбу қимсалар қий-мати 27 млн. сўмдан ортиқ бўлган

ДБК Матбуот хизмати

АДЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ!..

Давоми. Боши 1-бети

Иймон, ислом, султонлар, сохта ва ҳақиқий шайхлар, қарам (саховат), адаб, қаноат, вафо, ишқ, ростлик (тўғрилиқ), илм ва жаҳл (билимсизлик), қалам ва аҳли қалам, саҳобдек нафърасонлар (булутдек фойда келтирувчилар), афлқоқ хайфати шикоят, жаҳл майининг дурдақашлари ва май жаҳлнинг сархушлари, худнамолик (худбинлик) ва фидоийлик, йигитлик ва қарилик, фалак ғамхонаси хусусида, Хуросон мамлакати ва Хирот шаҳри таърифи, ул мақсуд адоси ва Султон Бадиуззамон мадҳи.

Бу йигирма мақолатнинг ҳар биридан кейин ҳикоят келтирилади. Ҳикоятлар мақолатдаги "назарий" фикр-мулоҳаза, таҳлил-хулосаларга ҳаётий далил вазифасини ўтайди.

Султонлар бобидаги учинчи мақолатга мана бундай нарий сарлавҳа қўйилган: "Салотин бобидаким, "Инналлоҳа яъмуру би-л-адли ва-л-эхсон" амри ила Ҳақ субҳонаҳу ва таоло хуравлик худдин аларнинг хилофати бошига қўйдиқим, адолатлари "айн"ининг чашмаи зулоли мулк бўстони сероб қилгай, то бу бўстондин амният ва фароғат гуллари очилгай ва алар зулм боғида май ичиб, гул сочарлар, балки майдин ҳар дам ўзгача гул очарлар" (Маъноси: "Султонлар ҳақидаки, энг юксак ва мақтовларга сазовор Тангри таоло "Инналлоҳа яъмуру би-л-адли ва-л-эхсон" ҳукми билан уларнинг ҳукмдорлик бошига подшоҳлик дубулғасини шунинг учун қийдириди, уларнинг адолатлари кўзининг чашмасидаги зилол сув мамлакат боғини қондирсин, токи бу боғда тинчлик ва фароғат гуллари очилсин, чунки улар зулм боғида май ичиб, гул сочганида эса у майдан ҳар лаҳза ўзгача гуллари кулф урдириб очиради").

Бу ердаги: "Инналлоҳа яъмуру би-л-адли ва-л-эхсон" жумлалари Қуръоннинг "Наҳл" сурасидаги 90-оятдан келтирилади. Маъноси: "Албатта, Аллоҳ адолатга ва эзгу ишларга... буюради" (Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Қайта ишланган 3-нашри. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2009. 277-бет).

Кўриниб турибдики, бу ерда адолат султонлар ҳақидаги мақолатнинг ўзак масаласи қилиб қўйилган. Чунки ҳукмдорлар фаолиятига баҳо беришнинг бирламчи мезони — ана шу адолат.

Боб тўғридан-тўғри ҳукмдорга мурожаат тарзида бошланади ва охиригача буюк шоир ва мутафаккирнинг унга айтган сўзи, яъни насиҳати каби давом этади. Албатта, бу кўрсатмалар айнан ниямалардан иборат эканини билиб олиш учун асарнинг ўзини ўқиш керак. Бу ерда фақат адолат билан бевоҳита боғлиқ байтларнигина кўриб ўтаемиз.

ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ

Шоир адолат масаласини шох олдиға энг муҳим масала янглиғ кўяр экан, аввало, ҳар қандай ҳукмдорнинг ўзи бир банд эканидан, жамиятда ҳаммаининг тенглигидан келиб чиқади:

**Бил муниким, сен доғи бир бандасен,
Қўрағидин оғизу афсандасен.**

**...Борча жаҳоҳир била аззода тенг,
Сурати навошо ҳаюлода тенг.**

Модомики, шундай эканми: "Ҳукм ихтиёри — менда-ку!" — деб ўйлаб, адолатсиз иш тутма, чунки охират кунда эолим ҳам, мазлум ҳам бирдай сўроқ қилинади. Ушанда тескари ҳолат юз бериб, сендан ноҳақ жаҳр кўрган мазлумнинг мартабаси сендан баланд бўлиб қолмасин, тагин:

**Ким не кишиким, сенга маҳкум эрур,
Зулмуна бечорау мазлум эрур,**

**Гарчики, йўқ шавқату сармояси,
Сендин эрур ортуқ анинг пояси.**

**Негаки чун ҳашр куни Зулжалол
Золиму мазлумни айлар савол.**

**Анга эваздур, санга шармандалиқ,
Анга бийиклик, санга афсандалиқ.**

**...Қилмаса мазлум гуноҳинг биҳил,
Дўзах ародур ватанинг муттасил.**

Замона ҳукмдорларини бундай тарзда қатъий адолатпарварликка қорлаш Навоийнинггина қўлидан келар эди.

Яратган Эгам сени султонликка лойиқ кўрибдими, энди адолатсизлик қилма, бу йўлингдан ўз вақтида қайт, бўлмаса ахволинг вой бўлади, дейди шоир:

**Ҳақ сени адо этгани султон этиб,
Зулм ила сен халқни вайрон этиб,**

**...Неча бу беҳудлук ила йилу ой,
Вой, агар келмасанг ўзунга, вой!**

Боб хулосага яқинлашгани сари шоирнинг ҳукмдорни адолатга қорлаши кучайгандан-кучайиб бораверади:

**Кимники бедодинг этибди асир,
Бўл анга адо илми била дастгир.**

Ҳўш, ҳаётда шундай адолатли подшоҳ борми?

"Бор!" — дейди Навоий.

Хусайн Бойқаро адолати
Бу — замона шоху Хусайн Бойқаро!
Достоннинг кейинги боби — айнан шу темурий ҳукмдорнинг олий даражадаги адолати хусусида.

Хусайн Бойқаро тахтни эгаллаш учун курашиб, охири ниятига етди. Тахтни эгаллаганидан кейин эса зулмга барҳам бериб, мамлакатиди қатъий адолат тартибни ўрнатди:

**Адо эшигин элга қушод айлади,
Тахт уза ўлтурди-ю, дод айлади.**

**Тузди бузуқларни иморат била,
Зулмни дафъ этти адолат била.**

**Бидъату фиқҳ аҳли бўлуб музавий,
Адлу шариат қўли этти қавий.**

Шундай адолат ўрнатиб юрган қўнларнинг бирида шох сайрга чиқди. Шунда бир кампир йиғи-сиги билан шохнинг этагини тутиб: "Менга адолат қилиб бер!" — деб талаб этиб қолди. Шох: "Агар Ҳақ сен тараф бўлса, адолат қилганим бўлсин!" — деди. Биргалашиб қозига боришиди. Кампир подшоҳнинг тахт учун курашиб юрган даврида лашкарлари унинг ўғлини ўлдирганини айтди. Қози икки гувоҳ топиб келишни сўради. Гувоҳлар кампир рост гапирганини исботлади. Қози шариатнинг ҳукми бўйича ё дият (қон ҳақи тўлаш), ё қисос (ўлимга ўлим) эканини айтишга мажбур бўлди.

Шунда Хусайн Бойқаро кўркмасдан белбоғ билан бўйинини боғлаб, кампирнинг қўлига тиг берди-да, бошини унга

тутди. Шариат ҳукмига биноан, бир ёнга олтин-кумуш тўқди-да: "Хоҳлагингни танла!" — деди:

**Деди: "Қисос айласанг, олаингда бош,
Сиймини ол, гар қаразингдур маош.**

**Мен эдим ул амрда беҳштиёр,
Ҳар не сен этсанг, менга не ихтиёр?"**

Бундай олиймақом адолату инсофни тасвирлар экан, Навоийнинг шоирлиги тутиб кетади: "Ана шу адолат билан инсоф тигини худди шу ҳазин кампир тишларидек ўтмаслаштирди", — дейди:

**Тиги ул адо ила инсоф тунд,
Золи ҳазин тишларидек қилди кунд.**

Бундай адолатпарварлиги юксак мардликни кўрган кампир шохнинг оёғига йиқилиб, узроҳлиқлар қилишга тушди, бундай зот учун даъвосидан тугул, ўз жонидан ҳам кечиги тийёр эканини билдирди. Одил шох эса уни зар билан шундай сийладики, охири одамлар унга "Золи зар", яъни "Бой кампир" деган лақаб ҳам қўйиб олишди.

Боб охиридаги лирик чекинишида лирик қаҳрамон Навоийга мурожаат қилиб, ҳар сатрда "адо" ва "одил" сўзларини қўллашдан эринмайди:

**Золи фалақдин неча кўрсанг алам,
Шаҳ чу қилур адо, Навоий, не ғам?!**

**Соқийи гулчехра, кетур жоми адо,
Кўрки, не гуллар очар анжам адо.**

**Адо аёғин тутки, бўлуб шод, ичай,
Одли давронни қилиб ёд, ичай.**

Достондаги Хусайн Бойқаро адолати тасвири шу билангина тугаб қўя қолмайди. 19-мақолат гарчи шоир яшаган мамлакат, яъни Хуросон ва унинг она шаҳри бўлмиш Хирот таърифу тавсифига бағишланган бўлса ҳам, бундан кўзланган бош мақсад Ватан айнан замона шохининг сазй-ҳаракати, инсофу диёнат, адолати шарофатидан шундай жаннатмонанд даражада гўзаллашгани, ободу фаровон бўлганини айтиш эди.

Боб охирида шоир Хусайн Бойқаро бахонасида адолат ва инсофни ҳадди аълосида қўйлашга ўтади:

**Мушча шараф топти шаҳ инсофидин,
Улки хирад лол эрур авсофидин.**

**Хусрави ғозий шаҳи равшанравон,
Адлиға шоғирд Анушервон.**

**...Адо тариқига қўюб гомни,
Адо ила ўрганмади исломни.**

**...Қолди-ю, уа адо ила топти ҳаёт,
Қўйди қиёматга дегин яхши от.**

**Буки эрур адога андин баланд,
Диндаги юз қондайи дилписанд.**

**...Адо ила олам юзин обод қил,
Хуш ила олам элини шод қил!**

Бу гапларини шоир фақат дўсти — Хусайн Бойқаронинг кўнглини олиш учунгина битмаган. Шу баҳонада буюк мутафаккир, аввало, замонаси ҳукмдорларини адолатга қорлагандай бўлади.

Аммо бундай доғишмандона қарашлар замон ва макон доирасидан аллақачон чиқиб улгурган. Бу гаплар бугун ва келажак учун ҳам бирдай аҳамиятли бўлиб қолаверади.

**Султонмурод ОЛИМ,
адабиётшунос.**



Неча асарларки, улуг мутафаккир, шоир ва давлат арбоби, газал мулкнинг султони Алишер Навоий бобомизнинг инсониятни яхшилик, эзгулик ва меҳр-оқибатга даъват этувчи асарлари севиб ўқилмоқда, улардаги юксак умуминсоний эҳолар замонлар синовидан ўтиб, бугунги кунимизга, келажакимизга ҳам хизмат қилаётир. Навоийшунос олимлар бу буюк хазинани тадқиқ этар эканлар, унинг битмас-туғанмас дур-жавоҳирлардан иборатлигини қайд этиб, янги-янги илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Беназир хазина

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султонирид".

Навоий ижодиға мурожаат этар эканмиз, унда инсон ҳаётининг барча жабҳаларига тааллуқли гўзал фикрлар, ноёб хулосалар, киши руҳига малҳам бўлувчи ибратли ҳикматларнинг мавжудлигига иқдор бўламиз. Улар қадим замонларда қанчалар муҳим бўлган бўлса, бугун ҳам ёшлар камолоти, комил инсон тарбияси, кўнгли поклиги ва ободлиги, эзгулик ва олиханобилик учун шу қадар зарур. Навоий бобомиз бугун ҳам биз билан бирга, бу улуг зот қаламидан тўқилган шох сатрларни қанчалар кўп ва ҳўб ўқисак, маъноларини идрок этсак, панд-насихатларига қулоқ тутсак, шунчалар яхши. Ўзбекистон қаҳрамони халқ шоири Абдулла Орипов ёзганидек, "буюк бобомиз ижоди, дарҳақиқат, улкан бир уммондир ёҳуд дунёнинг энг ранг-баранг ва беназир хазинасидир. Кимки нимани ахтарса, ушбу хазинадан албатта топсундир. Ус-тозининг муборак назари тушмаган бирор соҳа йўқ".

Таникли адабиётшунос олим Навоийнинг Комилоннинг Алишер Навоий газаллари маъноларини изоҳлаб ёзган шарҳларидан маълум бўладики, ус-тоз қаламига мансуб газаллар, рубоийлар ва достонларда шу чоққача тадқиқ этилмаган кўп зарур ва фойдали жиҳатлар мавжуд. "Газалдаги маъноларни тушуниш билан бирга газални ўз вазино-оҳанги билан ўқиш, талаффуз этиш ҳам муҳим. Аслини олганда, газални тушунамай, ундаги сатрларни тўғри ўқиш амри маҳол, шу каби ҳар бир газал ўз вазино билан ўқилмаса, ундаги маънолар ёрқин ва таъсирчан чиқмайди". Тадқиқотчи олим Алишер Навоийнинг сермазун ва серқирра ҳаёти, инсоний фазилатлари, иқтидор ва камолоти замондошлари учун ибрат ва намуна бўлганидек, бугунги авлод, айниқса, ёш ижодкорлар учун ҳам ибрат мактаби бўла олишини, бу мактабдан сабоқ олиш ғоят муҳимлигини алоҳида таъкидлайди.

Чиндан ҳам, Навоийнинг асарлари, "Оналарнинг оёғи остидадур Равзаи жаннат ризовон боғи. Равза боғини вилолин истар эрсанг, Бўл оналар оёғининг туфруғи", "Кимки бир кўнгли бузғунинг хотирини шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон ўлса обод бўлади".

Ўзари уйғунлашади, — дейди спортчининг устози Елена Аслана. — Ўзтибор берсангиз, гимнастикачи қизлар саранжом-саримшалакка қаттиқ риоя қилишади. Мазкур спорт тури қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик жиҳатдан тарбиялашга, уларнинг мусика ва рақсга бўлган қизиқишини оширишга, шунингдек, маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб ўлғайишига хизмат қилади.

— Ойлаимизда спортга муҳим тарбия воситаси сифатида қаралади. Фарзандингизни бадий гимнастика тўғрисида бермоқчи бўлсангиз, бу спортни аввал ўзингиз севишингиз, у билан "яшашингиз" керак. Болангизнинг қизиқишини янада мустаҳкамланг. Айниқса, мураббия қизингизда иқтидор бор деса, юксак марраларни ният қилиб гимнастикага кенг йўл очиб беринг, — дейди қаҳрамонимизнинг онаси Мартаба она.

**Феруз ЖҲҲАЕВ,
«Adolat» муҳбири**

Нафисликни танлаган "спорт маликаси"

Бадий гимнастика энг мафтункор спорт турларидан бири. У билан шугулланадиган қизларда ўзига ҳос нафислик, назик ҳаракатлар, ритмни ҳис қила олиш ва маҳоратлиқ хусусияти шаклланади.

Самарқандлик Мартаба Расулова ҳам ана шундай ниятда беш ёшли қизи Султонани Самарқанд шаҳрида очилган гимнастика мактабига олиб борди. Аввалига бўлғуси гимнастикачи билан машғулотлар танани тортиб қўзиш, кенгайтиришдан бошланди. Султонанининг иродаси илк устози Алёса Абдурасулова кўрсатмалари ва ўргатган машқлари орқали тобланиб, масъулиятли бўлишга, кўн билан машқ қилишга одатланди, мусобақаларда қатнашни орқали қатъиятлик, мақсад сари дадил интилиш каби хусусиятлари шаклланди.

Аста-секин ёш гимнастикачи ўзига бўлган ишончини сезди, гимнастика трапига дадил қадам қўйиб, хореографик машқларни пухталиқ билан бажара бошла-

Бир мусобақада 3 олтин, 2 кумуш медални қўлга киритган қиз



ди. Сўнгра енгил туюлган машқлар босқичма-босқич мураккаб-лашиб, машғулотлар заҳмати мусобақаларга уланиб кетди. Юртимизда ўсмирлар ўртасида ўтказилган турли мусобақаларда тажриба тўплаган Султона зарур кўникмаларни ўзлаштирди. Тиришқоқлиги, тинимсиз меҳнатий эвазига ўзининг илк ғалабасини 2012 йил Москва шаҳрида

бўлиб ўтган бадий гимнастика бўйича халқаро турнирида қўлга киритиб, бронза медали соҳиба-сига айланди.

Ҳозир Самарқанд шаҳридаги 72-мактабнинг 8-синфиди ўқитган қаҳрамонимиз эндигона 14 ёшни қаршилаган бўлишига қарамай, мамлакатимизнинг ётақчи мураббийи ва мутахассисларидан бадий гимнастика сир-асорла-

рини пухта ўрганиб, проффессонал спорт сари олға бормоқда. Бир неча мартаба мамлакат чемпионатларида қолиб ва совиндор бўлган иқтидорли қиз халқаро миқёсда ҳам тенгқурлари билан куч синиқлишга эришмоқда. Жумладан, яқинда АКШнинг Майами шаҳрида бадий гимнастика бўйича учинчи бор "Gold Coast International Cup 2014" анъанавий халқаро турнири ўтказилди.

Мазкур мусобақада АКШ, Ўзбекистон, Канада, Россия, Украина каби ўнға жин давлатдан келган ёш бадий гимнастикачилар қолиблиқ учун кураш олиб бордилар.

Уч кунлик мусобақалар якунларига кўра, истеъдодли спортчимиз Султона Расулова кўп кураш, обрўч ва лента предметлари билан баҳариларидиган машқларда 3 олтин, предметларсиз ва тўп билан баҳарган кўринишларда 2 кумуш медални қўлга киритиб, бош совринга сазовор бўлди. Бўнинг замирида, албатта, муттасил машғулотлар ва спортни севиш ётади.

— Қизлар учун бадий гимнастиканинг фойдали жиҳатлари ниҳоятда кўп. У орқали қад-қомат ва феъл-атвор гўзаллашади,

М.АХМЕДОВ

Adolat ижтимоий-сиёсий газета Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши	
Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Нарвон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Маммазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖҲҲАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талхат МУРОДОВ, Топибулат МАТИБАЕВ, Алишер МҲМИНОВ.	
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ	
Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Аxbорот, маънавият, халтар ва шикоятлар билан ишдаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабулахона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибхона — 288-46-64 (144).	
Навбатчи муҳаррир — И.Сахатов. Навбатчи — Гулом Хидиров	
«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади.	
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй info@adolat.uz adolat_gazeta@mail.ru	НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100 ISSN 2013-5217 9 772013 521700
Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.	
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўроз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 200. Адади — 11201. Босишта топшириш вақти — 20.50. Босишта топширилади — 22.00.	